

**БЕРКИНОВ Б.Б.  
АСҚАРОВА М.Т.  
АБДУРАХИМОВА С.**

**ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНИШ  
СТРАТЕГИЯСИ**

**Тошкент**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“МАКРОИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**БЕРКИНОВ Б.Б., АСҚАРОВА М.Т.,**

**АБДУРАХИМОВА С.**

**ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНИШ  
СТРАТЕГИЯСИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛАНМА**

**Тошкент -2019**

**ЎЎК:**

**КБК:**

**Б-**

**Беркинов Б.Б., Асқарова М.Т., Абдурахимова С.**

**Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси: ўқув қўлланма.**  
**– Т.: 2019., ... бет.**

Ўқув қўлланма “Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” фани дастурига мувофиқ ёзилди. Унда фаннинг методологик жиҳатлари, предмети, мақсад ва вазифалари, асосий тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Қўлланмада Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир йўналиши бўйича белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш йўллари ва усуллари, эришиладиган энг асосий натижалар ўз ифодасини топган.

Қўлланма Олий ўқув юртлари бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислиги талабалари, малака ошириш тузилмалари тингловчилари ҳамда профессор-ўқитувчилари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

и.ф.д., профессор

и.ф.д., профессор

Қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилаётган ПЗ-2017192984 рақамли амалий илмий лойиҳа доирасида ёзилган ва чоп этилди.

Ўқув қўлланма ТДИУ Кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

2019 й.

# **МУНДАРИЖА**

## **КИРИШ.....**

**1**

- 
- 1.1. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси фанининг мақсади ва вазифалари.....
- 1.2. “Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” фанининг предмети .....
- 1.3. Макроиктисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш.....

## **2-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....**

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.....

- 2.1. модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш.....
- 2.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш.....
- 2.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш.....

## **3-боб. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУДХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....**

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш,

- 3.1. суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш.....
- 3.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш.....
- 3.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш.....
- 3.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш.....
- 3.5. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.....

## **4-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....**

- 4.1. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш.....
- 4.2. Таркибий ўзгартирошларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш.....

- 4.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.....
- 4.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш.....
- 4.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш.....

## **5-боб. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....**

- 5.1. Иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар.....
- 5.2. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб тураг-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш.....  
Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш
- 5.3. тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.....

**Хуносаси.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

**Иловалар.....**

## **КИРИШ**

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инновацион ривожланиш, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш ва ижтимоий соҳани юксалтиришни фаоллаштиришнинг мазмун-моҳиятини чукур англаб етишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан ОТМ талабалари ва ўқитувчиларига дастлабки манба сифатида тақдим этилаётган “Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” ўқув қўлланмаси муҳим илмий-услубий аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ЎзР мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нуқтида “Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда. Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsatни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди” деб алоҳида таъкидлаган.

Шулардан келиб чиқиб ушбу фаннинг асосий вазифаси бўлиб, Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини билиш, таҳлил қилиш ва уларни амалга фойдаланиш; макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқ ва

соҳаларини инновацион ривожланиш стратегияларини амалга ошириш йўллари ва усулларини ўрганиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга мувофиқ ўқув қўлланмада асосий эътибор қуидаги масалаларни ёритишга қаратилган.

“Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” ўқув қўлланманинг биринчи 1-бобида фаннинг мақсади ва асосий вазифалари Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва унинг заруриятидан келиб чиқиб баён этилган. Унда асосий эътибор фаннинг предметини ташкил этувчи стратегик йўналишлар ҳамда устувор вазифаларига қаратилган.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишлари ва йўллари қўлланманинг иккинчи бобида кўрсатиб берилган. Унда Олий Мажлис палаталари, Сиёсий партияларни мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилишдаги ролини ошириш масалаларига, шунингдек, Давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналишларига асосий эътибор қаратилган.

Қўлланманинг учинчи боби Ўзбекисонда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-хуқук тизимини ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларининг таҳлилига бағишланган. Хусусан, ушбу бобда Суд ҳокимиятини чинакам мустақиллигини таъминлаш, Суд тизимини такомиллаштириш, фуқаролар хуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашишнинг стратегиялари кўрсатиб берилган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари ўқув қўлланманинг 4-бобида баён қилинган ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос вазифалари таҳлил қилинган.

Ўқув қўлланманинг якуний 5-бобида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантишнинг стратегик йўналишлари ва устувор вазифаларини бажариш йўллари изоҳланган.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Ҳаракатлар стратегиясини талабалар ва кенг китобхонлар оммасини ўқитиш учун муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган илмий-оммабоп қўлланмалар материалларидан кенг фойдаланилди<sup>1</sup>.

Ўқув қўлланманинг илова қисмида келтирилган тақдимотлар ТДИУ магистратура бўлимининг “Макроиқтисодиёт” ихтисослиги 1-курс ММЕ-10 гурӯҳ магистрантлари М.Жалолова, М.Илхомова, Н.Ҳикматуллаева ҳамда бакалавриатнинг 3-курс талабалари Ё.Абдурахимова ва А.Жеткербаевалар томонидан тайёрланди ва ишлов берилди.

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий оммабоп рисола. ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: 2017 й.

## **1-боб. “ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ” МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ**

**1.1.Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси фанининг мақсади ва вазифалари**

**1.2.“Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” фанининг предмети**

**1.3.Макроиктисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш**

### **1.1. Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси фанининг мақсади ва вазифалари**

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга ошириш, иқтисодий ўсиш макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инновацион ривожлантириш, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш, вазифаларни бажаришни устивор мазмун-моҳиятини чукур англаб етишни талаб этади. Мамлакатда қабул қилинган стратегик вазифаларни ҳал этишга ёндашувларнинг илмий асосларни ҳамда усулларини билиш фаннинг долзарблигини асослайди.

Фанни ўқитишдан мақсад - ривожланиш назарияларининг асосий ғоялари ва концепциялари ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ўргатишдан иборат.

Фаннинг асосий вазифалари - Ўзбекистонда қонун устиворлигини таъминлаш, жамият ва давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини билиш, таҳлил қилиш ва уларни амалга оширишда фойдаланиш; макроиктисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқ ва соғаларини инновацион ривожланиш стратегияларини амалга ошириш йўллари ва усулларини ўргатишдан иборат.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш,

хавфсизлик ва ҳуқук-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқук ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мұхитини таъминлаш учун мұхим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишини таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилган<sup>2</sup>:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон хукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

2. Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

4. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган ахоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий

фаоллигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, мұхандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик мұхитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

Ушбу мақсадларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоя қилиш кафолатларини таъминлаш

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш

2.5. Суд-хукуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш

3.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хукуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

## **1.2. “Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” фанининг предмети**

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Бунда тадқиқотчилар фикрига кўра иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва тартибга солиш механизмлари зарур ҳисобланади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурый талаб ва унинг тартибга солиш усул ва воситалари кўп қиррали ҳисобланади (1.1-расм).


Давлат иқтисодиётни тартибга солиш мақсадаларини амалга оширишда – маъмурӣ, ҳукуқӣ, ҳамда иқтисодий тартибга солиш шаклларидан фойдаланади. Иқтисодитёт таркибини мураккаблашуви ва унинг миқёси кенгайиб бориши, шунингдек, миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи олдиндан кўра – билиш қийин бўлган омилларнинг юзага келиши, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш усусларини кенгайишига олиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатимиз ривожланишида мутлақо янгича ёндашув ва тамоилларни ўз ичига олган Фармони<sup>3</sup> бекиёс катта ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга ҳисобланади. Унда аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 февраль ПФ – 4274 сонли Фармони. ЎзР Қонун хужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сони, 70-модда.

долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, хукуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилган.



**1.1-расм. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий шакллари ва усуллари**

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштирилишига қаратилган йўналишларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни

модернизация қилиш, давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматларининг ташкилий-хуқуқий асосларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ ролини кучайтириш бўйича 7 та янги қонун қабул қилинади, 15 та амалдаги қонунларда ўзгартишилар киритилади, 5 та дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд – хуқуқ тизимини янади ислоҳ қилиш йўналишларида 4 та янги қонунлар қабул қилиш, 14 та амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бир қанча суд – хуқуқ тизимимнинг институционал – – хуқуқий нормаларини такомиллаштириш белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг 3 – йўналиши Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўз ичига олган. Унга мувофиқ қўйидагилар амалга оширилиши лозим:

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун устувор вазифалар қўйидагилар ҳисобланади:

➤ макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

➤ харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

➤ солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

➤ илгор халқаро тажрибада кўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солища замонавий бозор механизмларини

босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкини кўпайтириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;
- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимиға ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Мамлакатда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар

билин жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш қўзда тутилган.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солища давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган. Шулар билан бир қаторда ижтимоий-иктисодий ривожланишни жадаллаштириш, ҳалқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш янги саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу устивор вазифаларни “ўрганиш” Ўзбекистанни ривожланиш стратегияси фанининг предметини ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясини ягона умумий мақсадга қаратилган устувор ўзаро боғлиқ йўналишлар, вазифалар ва чораларни амалда ижросини таъминлаш дастурининг тамоиллари орқали рўёбга чиқарилади. Улар куйидагилардан иборат:

- қўйилган устувор вазифалар ва ягона мақсадга йўналтирилган;

- вазифалар ва чоралар босқичма – босқич, давлат бошқаруви йўли билан амалга оширилиши;
- тадбирларнинг очиқлиги ва уларда фуқаролар ва манфаатдор давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг кенг иштирок этиши;
- чора – тадбирлар натижалари бўйича мониторинг олиб бориш ҳамда уларнинг ҳолислиги ва тўлиқлигини тъминлаш.

Ушбу тамоиллар ҳар йили Давлат дастурлари доирасида бажариладиган ишлар (вазифалар) бўйича амалга оширилиб борилади.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқ устувор вазифаларини ҳал этишга қаратилган ёндашувни ифодаладик (1.2-расм).

Таклиф этилаётган ёндашувнинг асосий моҳияти иқтисодий ўсишга иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ёки соҳасининг мамлакат ЯИМ ҳажми ва унинг ўсиш суръатига қўшаётган улушларини (ҳиссаларини) максималлаштиришга қаратилган. Бунда уларнинг қуидаги жиҳатлари ҳисобга олинади. Биринчидан, фаолият юритаётган ҳар бир тармоқ ёки иқтисодиёт соҳаси корхоналари ҳозирги кунда ўз ишлаб чиқариш салоҳиятига, яъни табиий ресурсларга, асосий фондларга, иш билан банд меҳнат ресурсларига ҳамда ишлаб чиқариш технологияларига эга. Иккинчидан, тармоқларнинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссалари корхоналарнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишига шунингдек, унинг асосий капиталини янгилашга жалб этилган инвестициялари ҳажми ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш усулларига боғлиқ ҳисобланади. Ва ниҳоят учинчидан, иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда давлатнинг пул – кредит ва бюджет – солиқ сиёсати, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган чора – тадбирларни қанчалик ўз вақтида ва самарали бажарилишига боғлиқ ҳисобланади.



**1.2-расм. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш жарёнигининг модели**

Манба: муаллифлар ишланмаси

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва қўллаб – қувватлашнинг мазкур жиҳатларини ҳисобга олганда миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ривожланишини алоҳида биз таклиф этаётган ёндашув орқали ўрганиш ва шу асосда улар ҳар бирини истиқболда ЯИМ даги улушини ўзгариши тенденцияларини прогноз қилиш, тармоқларда стратегик режаларни ишлаб чиқиш, шу орқали иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва жамғармалари миқёсини аниқлашга имконият беради. Бу эса ўз навбатида Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқларининг ривожи ҳамда уларнинг экспорт

салоҳиятини ошириш юзасидан белгилаб қўйилган устувор вазифаларни самарали ҳал этишга кўмаклашади.

## **Назорат саволлари**

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай давлат бошқарув тизими қарор топди?
2. Ўзбекистонда давлат ҳокимяти қандай тамойилларга таянади?
3. Ўзбекистонни ривожланиш стратегиясини қабул қилишига қандай зарурият мавжуд эди?
4. Танланган стратегия қандай натижаларга олиб келади?
5. Халқ манфаатлари Ҳаракатлар стратегиясида қандай ифода қилинган?
6. “Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” фанинг предмети ва вазифалари нималардан иборат?

### **1.3. Макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш**

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма–босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционал ислоҳотлар жараёнида мамлакат ривожланишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва нормаларни ўз ичига олувчи тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити шаклланди. Шаклланган тадбиркорлик муҳити мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларига ҳамда янгича бошқариш тизимини барпо этилишига; моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш эса иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатди. Натижада мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси тамоилларига ва устувор йўналишларига амал қилган ҳолда ривожланишнинг стратегик мақсадлари жаҳон андозаларига мос равища

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Фармонлари, маърузалари ва чиқишлиарида белгилаб берилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ҳудудлари ривожланишини таъминламоқда.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади. Шуни ҳисобга олганда, Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга эришиш ва макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олинган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз Президентининг Парламентга мурожаатномасида иқтисодиёт тизимни соғломлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни юқори суръатларини таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларни ҳал этиш лозимлиги қайд этилган.

○ очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

○ иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

○ иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

○ “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

○ валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

○ иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш, бизнинг фикримизча мамлакатимизда эришилган макроиқтисодий барқарорликни ва мастиҳкамланиши билан бирга юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга кенг имкониятлар яратади.

Макроиқтисодий барқарорлик (macroeconomic stability), бу миллий валюта алмашув курсининг, солиқ ставкалари ва божхона божларининг ва хўжалик соҳаларининг барқарорлигидир. Барқарорлик ишсизликнинг паст даражасини ва иқтисодий ўсишни таъминланиши ҳисобланади. Бу ҳокимиётнинг кучайиши, жамият ҳаётининг ҳар жабҳасида қонунларнинг сўзсиз амал қилиши ва мамлакат олтин – валюта захирасининг ўсиши орқали таъминланади.

“Барқарор иқтисодий ўсиш” макроиқтисодий барқарорлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Барқарорлик – маълум бир тизимнинг ташқи таъсирлар остида жорий ҳолатини сақлаш қобилияти ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлик эса бу ресурслардан фойдаланиш ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги узоқ муддатли мувозанатнинг сақланишидир. Илмий манбаларда ушбу тушунчаларнинг турли талқинини учратиш мумкин.

Умуман олганда, илмий адабиётларда “барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчасининг қатор таърифлари мавжуд. Хусусан, “Барқарор иқтисодий ўсиш” тушунчаси миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолатини ифодалashi керакки, унда салбий ёки нолга teng бўлиши мумкин бўлган реал ўзгарувчан мезон ва кўрсаткичлар узлуксиз мутаносиб суръатда ўсиши лозим<sup>4</sup>.

Халқаро эксперtlар томонидан мамлакат миқёсида макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланганлик даражаси қўйидаги омиллар ёрдамида баҳоланади:

- иқтисодий ўсиш;
- тўла бандлик;

---

<sup>4</sup> Словарь современной экономической теории Макмиллана – М.: 1997.с. 471.

- ички нархларнинг барқарорлиги (паст даражада инфляция);
- миллий валютанинг барқарорлиги;
- барқарор тўлов баланси;
- давлат бюджети дефицити ЯИМга нисбатан 3 фоиз дан ошмаганлиги;
- мамлакат аҳолиси орасида даромадларнинг одил тақсимланиш даражаси ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратиш лозим. Шуни ҳисобга олиб, кичик бизнеснинг янги субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик бизнес нуфузини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормалари янада такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга иқтисодий ўсишни барқарор суръатларини таъминлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун бошқариш усуллари такомиллаштириш, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиши ресурслардан фойдаланишини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки сифат жиҳатда такомиллаштирилган ишлаб чиқариш кооперацияси ва кластер механизмини жорий этиш ҳисобига эриш, самарали йўл бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариатлари инновацион - инвестицион тавсифга эга бўлиб, уни амалга ошириш тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланиши керак.

Президентнинг олий мажлисга мурожаатномасида саноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш учун йирик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва бунга сармоядорларни қизиқишини орттириш учун мамлакат – ҳудуд – корхона поғоналарида инвестицион жозибадорликни ҳамда давлат бошқарув органлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш белгиланган.

Шуларни ҳисобга олганда, хорижий инвестициялар түғрисидаги қонунчиликга инвестицияларни жалб қилиш ва ундан амалда фойдаланиш билан боғлиқ битимларни тузиш ва ижросини таъминлаш жараёнлардаги трансакция харажатларини пасайтириш билан боғлиқ қўшимча ўзгаришилар киритиш зарур.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига соҳада йирик инвесторлар иштирокида чорвачилик кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, шаҳар олди ҳудудларида мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрохолдинглар ташкил этиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришда самарали йўл ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга фаол жалб қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг ўз нисбий устунликлари, фойдаланилмаётган имкониятлари, ўсиш захиралари ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Республикамизда мақроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, валюта бозорини эркинлаштириш, юқори ликвидли товарларни сотишнинг бозор усусларини жорий этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш учун қулай шартшароитлар ҳамда иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам замин яратди.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда марказий банкнинг масулияти улкан эканлигини ҳисобга олиб, уни

таъминлашда ўзининг асосий ва муқобил сценарийсиларни ишлаб чиқди. Иккала сценарийда ҳам Марказий банк пул-кредит сиёсатини юритишида эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб боришни кўзда тутилган. Бунда муқобил сценарийда янада қатъийроқ чоралардан фойдаланилади.

Унга кўра, истиқболда пул-кредит сиёсатининг муҳим вазифалари сифатида инфляция даражасини пасайтириш ва инфляцион таргетлаш режимига ўтиш учун асос яратиш, ш.ж. пул-кредит сиёсати инструментлари ва трансмиссион механизмларини ривожлантириш зарур.

### **Макроиктисодий барқарорлаштириш чора-тадбирларидан кутилаётган натижалар**

Асосий сценарий	Муқобил (хатарли) сценарий
<ul style="list-style-type: none"> <li>• иқтисодий ривожланиш тенденцияларининг давом этиши ва ташқи шароитларнинг сезиларли даражада ўзгармаслиги ҳамда солиқ соҳасида ва таркибий ислоҳотлар борасида босқичма-босқич кутилган натижаларга эришилиб борилиши назарда тутилган;</li> <li>• солиқ ислоҳотларининг самарали амалга оширилиши ҳамда иқтисодиётни қредитлаш ҳажмининг ўсиш суръатларининг мақбуллаштирилиши (2019 йилда 25%) кўзда тутилган;</li> <li>• ЯИМ ўсиш суръати 2018 йил якунига кўра 5,2%, 2019 йилда эса 5,4% бўлиши прогноз қилинмоқда. Ўтган ва жорий йилларда инвестицион фаолликнинг ошиши ҳамда иқтисодиётнинг реал секторида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари янада тезлашиши кутилмоқда;</li> <li>• йиллик инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари 2018 йилда 16–17%ни, 2019 йилда 13,5–15,5%ни ва 2020 йилда 10–12%ни ташкил этади;</li> </ul> <p>2021 йилдан бошлаб йиллик инфляция даражаси бир хонали кўрсаткичгacha пасайиши кутилмоқда</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ва амалга ошириладиган таркибий ислоҳотларнинг секинлашуви тахмин қилинган;</li> <li>• ташқи ва ички шароитларнинг ёмонлашуви ҳамда таркибий ислоҳотларнинг кутилган натижа бермаслиги ҳисобига 2019 йилда инфляция даражасининг 17–18%гача ўшиши кутилмоқда</li> </ul>

Инфляцияни келтириб чиқарувчи асосий омиллар инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида иқтисодиётда вужудга келадиган юқори талаб ва тартибга солинадиган нархларнинг либераллаштирилишкутилмоқда. Бунда давлат корхоналарининг ислоҳ қилиниши (ш.ж. хусусийлаштириши)

доирасида капитал қўйилмалар ҳажмининг ўсиши инвестицион фаолликни рағбатлантирувчи асосий омил бўлади.

Иқисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, товар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, давлат активларини бошқаришда бозор тамоилларини жорий этиш мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишнинг йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда ўзлаштирилаётган инвестициялар алоҳида аҳамият касб этади. Инветицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кириши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаоллиги ошмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ва аҳоли даромадлари ошмоқда. Бу эса ўз навбатиди ЯИМнинг ўсишини таъминлайди. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда мамлакат ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияларини билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қўйидаги жадвалда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ тузилмаси таҳлил қилинган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,8 % пунктни ташкил этди). Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 10,2 % ни ташкил этди ва ЯҚҚ каби 5,3 % даражада ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,5 % фоизни ташкил этди).

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг тармоқ тузилмаси<sup>5</sup>**

Кўрсаткич номи	2016йил	2017йил	2016 йилга нисбатан (%)	<b>ЯИМ (Яққ) ўсишида тармоқлар хиссаси</b>
	млрд.сўм			
<b>I. ЯИМ</b>	<b>199 871,6</b>	<b>249 136,4</b>	<b>105,3</b>	<b>6,3</b>
<i>шу жумладан:</i>				
тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати	178 053,1	223 829,8	105,3	4,8
маҳсулотларга соф солиқлар	20 818,5	25 306,9	105,3	0,5
<b>II. Тармоқларнинг ялпи кўшилган қиймати</b>	<b>178 053,1</b>	<b>223 829,8</b>	<b>105,3</b>	<b>6,3</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	32 276,8	43 149,8	102,0	0,4
саноат (курилиш билан)	58 546,0	74 876,1	104,8	1,5
саноат	45 398,0	59 650,9	104,6	1,1
курилиш	19148,0	15225,2	105,6	0,4
хизматлар	87 320,3	105 803,9	106,9	3,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича чизматлар	19833,2	25 773,9	103,9	0,4
ташиш ва сақлаш, аҳборот ва аълоқа	21 113,0	24,553	108,9	1,1
бошқа хизмат тармоқлари	46,284,1	55,476,8	107,3	1,9

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва макроиктисодий барқарорликни таҳминлаш борасида улкан натижалар кўзлананаётган экан, бу вазифаларни бажариш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

○ иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари учун узоқ муддатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;

○ мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда маҳсус ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

- хусусий мулкчиликни ривжлантириш, хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ўсишини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк кредитларини айнан иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилишини таъминлаш;
- аҳолининг истеъмоли учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг таннархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларини (асбоб ускуналар ва бошқаларни) импорт қилишни аста секинлик билан камайтириб бориш ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилишни маҳаллийлаштириш;
- иқтисодиётни модернизациялаш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик янгилиниш жараёнларини янада такомиллаштириш;
- ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишини таъминлайдиган, бугунги кунда дунёда долзарб масалага айланаётган ахборот-коммуникация хизматларини кескин даражада ўстириш;
- малакатдаги мавжуд илмий ва инновацион салоҳиятлардан унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибини ва сифатини яхшилаб, уларнинг жаҳон бозорларига кўпроқ сотилишини таъминлаш;
- иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва институционал модернизация қилиш жараёнларини чукурлаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантириш механизmlарини янада фаоллаштириш;
- моддий-техника ресурслари ва тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизими институтларида трансакция харажатларини пасайтириш;
- аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш механизmlарини такомиллаштириш.

Ушбу тадбирлар янада такомиллаштирилиб, зарурий дастурлар ва лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилса, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ўсишнинг узоқ вақт давом этиши таъминланади.

## **Назорат саволлари**

1. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш категорияларининг ўзаро фарқи нималардан иборат?
2. Қандай кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолашда асосий мезонларидан бири сифатида қабул қилинган?
3. Иқтисодий ўсиш қандай ижобий жараёнларда ўз аксини топади?
4. Иқтисодий ўсишни таъминлашда аҳоли бандлигини оширишнинг ўзаро боғлиқлиги механизми қандай?
5. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг қандай омиллари мавжуд?
6. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш пул-кредит сиёсатининг вазифалари нималардан иборат?
7. “Ҳаракатлар стратегияси” доирасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида нима вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган?
8. Ҳукуматнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш чоратадбирларидан қандай натижалар кутилмоқда?

## **2-боб. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 2.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш**
- 2.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш**
- 2.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш**

### **2.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш**

Ўзбекистонда демократик тамоилар ва миллий манфаатлар асосида фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент мустақиллик даврига келиб шаклланди. Кейинги ўн йилликда босқичма-босқич равишда парламентга янгидан-янги ваколатларни бериб борилиши, халқимизнинг хуқуқий маданиятини ўсиши, сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар асосида ривожланиши натижаси ўлароқ қонун чиқарувчи ҳокимият ўзида ривожланган мамлакатлардаги парламентларга хос сифат ва белгиларни ўзида мужассамлаштириб бормоқда.

Конституция ва қонунларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлак ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг мустақил ва демократик тамойиллар асосида кечишини таъминлай оладиган даражада белгиланди: Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, давлатнинг стратегик дастурларини қабул қилиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизими ва ваколатларини белгилаш, мамлакат таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларни чиқариш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш.

Парламент ислоҳотларини янада чуқурлаштириш натижасида икки палатали парламент ташкил этилди, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимияти ҳуқуқий давлат талабларига жавоб берадиган даржада фаолият юрита бошлади. Муҳими, гарчан энди қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати анча ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партия фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда бу фракцияларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

Мамлакатда 2016 йилнинг сўнгги чорагида Ш.М. Мирзиёевнинг давлат раҳбари этиб сайланиши, унинг Президентлик сайловида сайловчиларнинг мутлақ юқори – 88,60 фоиз овози олган ҳолда мамлакат Президенти этиб сайланиши муҳим ва тарихий воқелик сифтида тарихга кирди. Қисқа давр – ичida мамлакатда давлат бошқарувини модернизациялаш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга доир қатор ҳуқуқий асослар қабул қилиниб, улар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга жадаллик билан жорий этила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Фармонини қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яни босқичини бошланганлигини англатади. Фармонида “давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш”га доир стратегик вазифа қўйилди.

Мазкур вазифа мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш қаратилди. Ҳаракатлар дастурида Олий Мажлиснинг ҳокимиятлар бўлиниши принципига

асосан бошқа ҳокимият тармоқлари билан мувозанатни ва ўзаро бир-бирларини тийиб туришни таъминлаш, унинг давлат давлат бошқарувидаги иштирокини ошриш мақсадларида “**Парламент назорати тўғрисида**”ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақида**”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши, лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенат аъзоси томонидан парламент назорати шакли сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чоралар қўриш, Олий Мажлиснинг тадбиркорлик субъектлари хуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни (бундан кейин - бизнес омбудсман) парламент назорати субъекти сифатида белгиланиши кўрсатилди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган – “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” – принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори** лойиҳасини ишлаб чиқиши, унда худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши, шунингдек Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиш, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Харакатлар стратегиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг тадбиркорлик субъектлари хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда янги ташкил этиладиган омбудсманга қўйидаги ваколатларни бериш назарда тутилди: тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни хукуқий қўллаб-қувватлаш; тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш; қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш; давлат органлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хукуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва ҳоказо.

Бизнес омбудсманни ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатдаги тадбиркорлик субъектларининг қонуний хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси бажарилиши устидан парламент назорати ўтказишдан иборат бўлиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, бизнес-омбудсман ҳар бир фуқаролик жамияти учун хос бўлган хукуқ - мамлакат фуқарларининг иқтисодий хукукларини ҳимоялаш ва таъминлашнинг асосий институти сифатида фаолият юритиши муқаррардир.

Кўриниб турибдики, бизнес омбудсманга берилиши назарда тутилаётган хукуклар ва ваколатлар мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган –

тадбикорлар ва фермерларнинг иш салоҳияти, уддабуронлиги, ишчанлиги ва ғайрат-шижоатини тўлиқ равишда рўёбга чиқара олишлари учун шартшароитлар яратади. Мулкдорлар синфини бу каби хуқуқий асослар ва институтлар воситасида ҳимоялаш, улар хуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир алоҳида давлат сиёсати учун асос солиниши – бу мамлакатмизнинг ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган хуқуқий давлат сари интилаётганлигини англатади.

Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Инсон хуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши хақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши, унда мазкур қонуннинг нормаларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунларга мослаштириш, омбудсман минтақавий вакилларининг хуқуқий мақоми, ваколат ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилди.

Бу стратегик вазифаларни илгари сурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан кейин – халқ қабулхоналари) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси вазифалари ва ваколатларини белгиланиши билан узвий равишда боғлиқдир.

**Ҳаракатлар стратегиясияда** давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширишда Олий Мажлис палаталарининг роли ва мавқенини оширишга доир Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда Олий Мажлис палаталарининг давлат ташқи сиёсатини амалга оширишда, уни халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши устидан назорат ваколатлари билан таъминлаш, хорижий давлатлар парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гурухлари ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми такомиллаштириш, мамлакатнинг миллий манфаатларини рўёбга чиқаришда парламент дипломатиясидан кенг равишда фойдаланиш имкониятлари кенгайтиришга доир мақсадлар илгари сурилиши учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш назарда тутилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида давлатимиз ташқи сиёсатини янада демократлаштириш, жаҳондаги мамлакатлар билан тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамкорлик қилиш, миллий манфаатларни халқаро майдонда ифода этиш, жаҳон интеграциясига янада чуқурроқ кириб бориш каби жараёнлар ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳада парламентнинг ролини оширишга кенг имкониятлар яратиши муқаррардир.

**Ҳаракатлар стратегиясияда** аҳолининг сенаторлар ва депутатлар билан ўзаро муносабатларини, Олий Мажлиснинг халқ билан мулоқотини такомиллаштириш мақсадида “Электрон парламент” тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаш, унда миллий парламент фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, парламент фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш воситасида халқ билан мулоқотни такомиллаштириш, депутатларга сайланган сайлов округлари жойлашган маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорларини юбориш, шунингдек мазкур худуддаги вазиятдан доимий равишда хабардор бўлиб туриш имконини яратиш вазифаларини белгилаш назарда тутилмоқда.

**Ҳаракатлар стратегиясияда** сиёсий партиялар депутатлик гурухларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳукуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда қуйидагиларни - партия гурухлари томонидан маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иктисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги таклифларни киритиш, туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гурухларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг, шунингдек маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қониқарсиз фаолияти ҳақида хulosаларни тақдим этиш ҳукуқини бериш, Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия худудий бўлимларининг вакилларини бириктириб қўйиш каби муҳим фаолият йўналишларини тартибга солиш назарда тутилди.

Ҳаракатлар стратегияси асосида партия гурухларига янги ҳукуқлар ва ваколатлар берилиши маҳаллий вакиллик органларини фаолиятини кучайтириш, бу борада сиёсий партиялар воситасида маҳаллий депутатларнинг ролини оширишга шарт-шароитлар яратади, маҳаллий вакиллик органларида шаклланган партия гурухлари ишини фаоллаштириш, уларнинг ташкилий жиҳатдан таъсирчан кучга айланиши, худуддаги муаммоларни кўтариб чиқиш, уларни ечимларини топишга доир фаолиятини жонлаштириш учун замин тайёрлайди. Айниқса, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобатчилик марказини партия гурухлари ўртасида рўй беришига

муҳим аҳамият бериш, турли ҳил дастурий ва ғоявий мақсадлар ўртасидаги мунозаралар, аҳоли ўртасида ўз электорати қарашларига таъсир этиш механизмларини шакллантириш соҳасида тажрибаларнинг шаклланиши фуқаролик жамиятига хос муҳитни шаклланишига олиб келади.

Маҳаллий вакиллик органларидағи партиявиј гурухларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, бу каби муносабатларни маҳаллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароитлар яратиб берадиган меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш фуқароларнинг манфаатларини маҳаллий вакиллик органларида ифодалаш ва ҳимоялаш учун шарт-шароитлар яратади. Маҳаллий Кенгашлардаги партиявиј гурухларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб турадиган, бу каби муносабатларни маҳаллий ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олишига шарт-шароитлар яратиб берадиган меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш партиявиј гурухларнинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши муқаррардир.

Ҳаракатлар стратегисида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридағи Доимий вакили лавозимини таъсис этиш, унинг доимий вазифаси қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида, шунингдек ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилиши кўрсатилди. Бу каби Доимий вакил институти барча ривожланган давлатларда парламент ва хукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг алоҳида бир бўғини сифатида ўзини намоён қилмоқда. Бу каби ҳамкорлик ижро ҳокимиятининг қонунлар лойиҳасини такомиллаштиришдаги ролини оширга, қонунлар ижросини самарадорлигини таъминлашга, хукумат ва парламент ўртасидаги алоқаларни тезкорлик билан амалга оширишга, қонун ижодкорлиги жараёнида ижро этувчи ҳокимият нуқтаи назарига эътибор берилишини таъминлайди.

## **2.2. Давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш**

Глобаллашув ва тезкор ривожланиш шароитида давлат қурилишини такомиллаштириш, давлат бошқарувини жамият тарққиётининг бугунги эҳтиёжларига мос равишда модернизациялаш ўта долзарб вазифа сифатида майдонга чиқмоқда. Мамлакат равнақини таъминлаш, жамиятни ижтимоий-сиёсий бошқариш, шу жумладан, унга давлат ҳокимияти воситасида кўмаклашув механизмларини такомиллаштириш янги-янги имкониятларни излашни тақозо этади.

Шу боис давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш замонавий илм-фан ва тафаккур ютуқларини жорий этишга таянмоғи лозим. Мустакил давлатчилигимиз таракқиёти йиллари мобайнида изчиллик ва событқадамлик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар туфайли бугунги кунда мамлакатимизда демократик қадриятлар асосида шаклланган ва фаолият юритадиган халқчил давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизими қарор топди.

Демократия тамойилларига таянувчи давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи бунёдкор куч сифатида намоён бўлади. Давлат ҳокимияти жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиб, унга яхлитлик ва барқарорлик бахш этади. Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг халқ манфаатларига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип тарзида улар фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтиришга, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш масалаларига

устувор аҳамият қаратилганлиги билан эътиборга молик<sup>6</sup>. Бу тарихий хужжат мамлакатнинг яқин истиқболдаги ривожланиш йўналишларини белгилаб берилди. “Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш, хукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.”<sup>7</sup>

Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштиришда, давлат ҳокимияти тузилмалари (парламент, президент, хукумат) ўртасидаги муносабатларнинг равон ташкилий ва хуқуқий механизмларини яратишида сўнгги йилларда конституциявий қонунчиликка жорий қилинган янги институтлар муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 2011 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштиришнинг муҳим хуқуқий асоси бўлди.

Ҳозирги глобаллашув ва шиддатли ривожланиш шароитида давлат бошқарувини замонавий жамият эҳтиёжларига мос равища модернизациялаш ўта долзарб мавзу сифатида кун тартибиға чиқмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида “Давлат бошқаруви асослари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилганлиги эътиборга моликдир.

Мамлакатнинг давлат бошқарув тизими унинг сиёсий, ижтимоий, хуқуқий ва маъмурий маданиятининг узвий қисмидир. Бошқарув маданияти бир қатор тарихий, миллий, жўғрофий, маънавий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади. Бошқарув маданияти давлат бошқаруви тузилмаларига нисбатан

---

<sup>6</sup> Қаранг: Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

<sup>7</sup> Шавкат Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!” Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабрь.

анчайин барқарор ва турғундир. Шу туфайли сиёсий (давлат) бошқарув маданиятини тарихан қисқа вакт ичида ўзгартириш бирмунча мушкул. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини қонунчилик ислоҳоти воситасида тарихан қисқа муддатда ўзгартириш (янгилаш) мумкин, аммо бошқарувга боғлиқ мафкурани, менталитетни, онгни ва маданиятни дархол ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Табиийки, давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган принциплар ҳамда талаблар асосида амалга оширилади.

Жамиятни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизация қилишнинг бир қатор йўналишлари ва вазифалари “Ҳаракат дастури”да белгилаб берилган. *Биринчидан*, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга сабитқадамлик ва жадаллик билан жорий этиб бориш. Булар бошқарувда инсон хуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлиги кабилардир.

*Иккинчидан*, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, хуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш назарда тутилади.

*Учинчидан*, ижроия ҳокимияти тизимидағи бошқарув билан шуғулланувчи органлар структураси ва функцияларини rationalлаштириш маъмурий ислоҳотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг вазифаларини тақрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориш талаб этилади.

*Тўртинчидан*, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини

таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зуурати.

*Бешинчидан*, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислоҳотлар самарасини оширишда тегишли ваколатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (регламентларини) изчил такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳуқуқий хужжатлар қаторида Маъмурий процессуал кодекснинг, “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги ва “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши дастурда айтиб ўтилади.

Давлат хизмати давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджетидан маблағ билан таъминланувчи шахсларнинг фаолиятидир. Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига хизмат қилишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали мажлисидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлади: “Олдимизга қўйган мақсад муддаоларга етиш учун кадрларнинг амалий заҳирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, хар томонлама тўғри қарор қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур<sup>8</sup>.

Шулар билан бирга мамлакатда тадбиркорлик мухитини яхшилаш ва уни такомилаштириш зарур эканлигини белгиланган жумладан.

1. Мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда давлат – хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масалалари ҳам улар фаолиятида замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиши бугунги кунга келиб энг мақбул йўл сифатида баҳоланмоқда. Амалда мавжуд бўлган давлат хизматларини, фуқароларга, юридик шахсларга ва давлат органларининг ўзига кўрсатишни янгича тизимини амалга ошириш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асосий стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ахборот соҳаси тараққиёти учун қатор ташкилий ва ҳуқукий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бугунги кунга келиб қарийб элликка яқин қонун ва қонуности ҳужжатлар давлат ва хусусий сектор фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва ундан фойдаланишни тартибга солиб келмоқда.

3. “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифати ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш. Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон овози. 2016 йил 15 декабр 150-сон.

Президентининг 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шартшароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва барча соҳаларни эркинлаштиришдан иборатdir.

Ҳаракатлар стратегияси давлат ҳокимиятини изчил демократлаштириш ва давлат бошқаруви тизимини янада самарали ишлаш механизмларини яратиш борасида янги вазифаларни илгари сурмоқда. Ҳаракатлар стратегияси доирасида маъқулланган Давлат дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

### **2.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш**

**Халқ билан самарали мuloқot механизmlarini жорий қилиш.** Юртимизда мустақиллик йилларида ҳар бир йилни маълум бир соҳанинг самарали ислоҳотига қаратиш мақсадида алоҳида ном билан аташ ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар баробарида маълум бир йўналишни тубдан яхшилашга қаратиш анъанаси шаклланди. Шу анъанани давом эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигини нишонлаш маросимида Президент Ш. Мирзиёев 2017 йилни юртимизда “Халқ билан мuloқot ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилди. Бундан мақсад, мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини таъминлаш, бунда давлат идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очик мuloқotларни йўлга қўйишида янги самарадор

воситалар ва усулларни жорий этиш, „Инсон манфаатлари — барча нарсадан устун“ шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади. Президент Ш. Мирзиёев давлат ва бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот мутасаддилари фаолиятига нисбатан таъкидлаганлариdek, “*Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишини унумтиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиши, дардини эшигиди бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охирги ўринга тушиб қолди*”<sup>9</sup>. Халқ қабулхоналарининг барча ҳудудларда иш бошлагани, халқ билан кенг миқёсда мулоқот олиб борилаётгани давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди.

PM.gov.uz портали – Ўзбекистон Республикаси Президенти (2016 йил 23 декабрга қадар Баш вазир) виртуал қабулхонасига жами келиб тушган мурожаатлар 2017 йил 24 январь ҳолатига **409 мингни** ташкил этгани порталнинг жамият ҳаётида ўз ўрни борлигидан далолатдир<sup>10</sup>.

Хукуматнинг виртуал портали иш бошлагани, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида халқ қабулхоналарининг очилиши, 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кенг миқёсда ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратди.

Ҳаракатлар стратегиясида Президент Ш.М. Мирзиёев илгари сурган – “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” – принципини ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширишга доир дастурий мақсадлар ҳам мужассамлашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид **Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори** лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда

---

<sup>9</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутк. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>10</sup> <https://pm.gov.uz/uz/news/view?id=36>

худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисботини ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши, шунингдек Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиш, Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий ҳалқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Агар парламентнинг ҳалқ иродаси ва манфаатлари асосида фаолият юритиши ҳамда қонунлар қабул қилиши энг асосий демократик қадриятлардан бири эканлигига эътибор берсак, депутатлар ва Сенат аъзоларининг ўз сайловчилари билан ўзаро мулоқотлари, жойлардаги муаммолардан ҳабардор бўлиши, уларнинг ечимларини топишда иштирок этиши, маҳаллий вакиллик органларини жонланишига кўмаклашиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти унсурларини ривожланишига шартшароитлар яратади. Чунки, олий вакиллик органи депутати авваламбор ўз сайлов округидаги фуқароларнинг вакили, Сенат аъзоси эса ўзи сайланган минтақа маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вакилидир. Шунинг учун ҳам парламент аъзоларининг ҳалқ ичida кўпроқ фаолият юритиши давлатимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш омилларидан биридир.

Шу сабабли фуқаролик жамиятининг энг асосий тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда давлатни бошқаришда ҳукумат билан ҳалқ орасидаги мулоқотни ташкил этиш, фуқароларни ташвишга солаётган, муаммолар туғдираётган саволларни вақтида ўрганиш ва уларни ҳал қилиш мақсадида 2017 йилги давлат дастурининг биринчи галдаги вазифаларида самарали мулоқот механизmlарини ташкил қилиш режалаштирилди ва бир вақтнинг ўзида бу режалар амалга оширилмоқда.

Жойларда „ҳалқ қабулхоналари“ни жорий этишнинг ташкилий-амалий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, фуқаро мурожаатлари энг кўп кузатиладиган соҳалардаги бюрократик тўсиқларни ва

муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминланмоқда. Аҳолига талаб катта бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича бир муассаса орқали қўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунга кўра давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш, «Электрон ҳукумат» тизимини самарали ривожлантириш борасидаги чоралар-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш.** Ўзбекистонда жамоатчилик назоратига конституциявий мақом берилган. Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки, жумладан, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жамоатчилик назоратининг шаклланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Бир томондан, жамоатчилик назоратининг ривожланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан фуқаролик жамияти ривожланиб боргани сари жамоатчилик назорати учун кенгроқ имкониятлар ва истиқболлар пайдо бўлади. Ривожланган ва кенг қулоч ёйган жамоатчилик назоратини фуқаролик жамиятисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, фуқаролик жамиятининг ривожланишини ҳам жамоатчилик назоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги ва қанчалик кенг тармоқ ёйгани, айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасидан гувоҳлик берувчи энг муҳим мезонлардан биридир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг 2016 йил кузидан бошланган янги босқичи жамоатчилик назоратини ривожлантиришга янги талаблар қўйди ва айни пайтда янги имкониятлар очди. Жамоатчилик назорати олдига янги талаблар қўйилиши шу билан изоҳланадики, белгиланган янги вазифалар, Ҳаракатлар стратегиясини

тўла амалга ошириш жамоатчилик назоратини кескин кучайтиришни тақозо қиласди. Иккинчи томондан, Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришнинг долзарблигини янада ошириб юборади.

Жамоатчилик назоратининг энг муҳим шартларидан ҳисобланадиган “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ошкоралиги тўғрисида”ги қонун 2013 йилда қабул қилинган ва уни бажариш бўйича 2013-2014 йилларда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ўтказилган эксперимент ижобий натижалар берган бўлса, **Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси** бундай ошкораликни бутун мамлакат миқёсида таъминлаш учун асос яратди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчидан, давлат ўзининг бош бошқарув субъекти мақомини сақлаган ҳолда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янги асосга ўтказмоқда. Энди давлат ўзининг муайян функцияларини, бир қатор ваколатларини, ҳуқук ва ресурсларни жамоат ташкилотларига ўтказмоқда. Шу йўл билан давлат жамоат ташкилотларининг ўзини ўзи бошқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Иккинчи томондан, жамият жамоат ташкилотларини ривожлантириш орқали уларнинг улкан салоҳиятларини мамлакатни бошқариш йўналишида фаоллаштиรмоқда. Энди, давлат фуқаролар билан муносабатларни янгича асосга ўтказиш учун янги типдаги муносабатлар, яъни шартнома ва бошқа муносабатларни сиёсий, маъмурӣ-буйруқбозлик муносабатлари ўрнига татбиқ этмоқда.

Ҳаракат стратегиясида белгиланган тадбирларни амалга ошириш фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати ёрдамида давлат органларига халақит бермаган ҳолда давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштиришга, коррупцияга қарши салоҳиятини оширишга, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро муносабатлари бир томондан фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат шаклида бўлса, иккинчи томондан, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижтимоий шериклик шаклида ҳам бўлади. Бу икки шаклни бир медалнинг икки томонига ўхшатиш мумкин.

Ижтимоий шериклик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг янги шакли бўлиб, у ривожланган мамлакатларда XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келди. Инсоният тарихида қилинган энг улкан ижтимоий ихтиrolардан бири ижтимоий шерикликдир. Бу ихтиро кашф этилгунига қадар инсоният тарихида исён ва қўзғолонлар, ижтимоий таранглик ва қонли оқибатлар билан тугаган ларзалар тез-тез юз бериб турди. Ижтимоий шериклик назариясининг вужудга келиши ва ижтимоий амалиётга тадбиқ этилиши ларзаларнинг кескин камайишини таъминлади. Инсоният тарихида ана шундай буюк роль ўйнаган назария мустақиллик қўлга киритилгандан кейин Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётига кенг тадбиқ этила бошлади. У ҳаётга нафақат тадбиқ этилди, балки унинг назарий асослари бойитилди ва амалий жиҳатлари ривожлантирилди.

Ижтимоий шерикликнинг назарий масалалари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қатор асарлари, нутқ ва мақолалари, хусусан, унинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” Концепциясида чуқурлаштирилган бўлса, амалиётнинг ривожлантирилиши уни мамлакатимизда Президент раҳбарлигида амалга ошириш жараёнида юз берди. Президент Концепциясидан юқорида келтирилган иқтибосда ижтимоий шерикликнинг моҳияти, мақсадлари, вазифалари очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конунида ижтимоий шерикликнинг субъектлари ва мақсадлари қуйидагича таърифланган: “Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари

билин мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек норматив-хукуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.”

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунида давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида белгилаб қўйилган.

**Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш.** Фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартидир. “Демократия” сўзи том маънода “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Айнан фуқаролик жамияти инсонга у ҳокимият эгаси, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканини ҳис қилиш имконини беради. Демак, демократиянинг ривожи фуқаролик жамиятини ҳам тараққий этишини тақозо этади.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг давлат билан ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш лозим. Давлат тузилмаларида бир марказдан бошқариш, вертикал бўйсуниш муносабатлари амал қиласа, фуқаролик жамиятида ўзаро тенглилка, ихтиёрийликка, шахсий ташаббусга асосланган горизонтал муносабатлар устувордир. Айни пайтда давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирига қарама-қарши бўлмай, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зоро, давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қиласи.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг 49-банди Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Унинг ижроси ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик лойиҳалари бўйича тадбирларни амалга ошириш кўламини кенгайтиришга хизмат қиласди.

**Маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш.** Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини қўз қорачигидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Биргина сўнгги беш йилда янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин низом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув курслари ҳамда “Маҳалла” маърифий телерадиоканали ташкил этилди.

Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқаролар йигинлари томонидан илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифалар муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида охирги беш йил мобайнида фуқаролар йигинларининг 1600 га яқин хизмат бинолари жорий, 367 таси капитал таъмирланди ва 350 дан зиёди реконструкция қилинди, намунавий лойиҳалар асосида 216 та бино янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фуқаролар

ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш хуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-хуқуқий чоратадбирларни белгилаб берди.

**2017 йил 3 февраль кунидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди.**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), худуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оиласий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)га ҳисобот тақдим қилишлари амалиётини жорий этиш белгилаб кўйилди.

**Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш.** Оммавий ахборот воситалари демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлади. Оммавий ахборот воситалари эркин ва мустақил бўлган тақдирдагина ижтимоий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги ҳақиқат ифода этилиши мумкин. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари эркинлигини кафолатлаш ва шу орқали муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш, одамларнинг

эркин фикр билдиришлари учун кенг йўл очиб бериш жамиятни эркинлаштиришнинг асосий тамойилларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига қўтарилилмас экан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари каби таъсирчан кучга айланмас экан, демократик ислоҳотларнинг кечиши қийинлашади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хукуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар қилинди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”, “Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази, Миллий матбуот маркази, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Бошқача айтганда, республикамизда оммавий ахборот воситалари фаолиятнинг зарур хукуқий базаси ва уларни эркинлаштириш учун шартшароитлар яратилган.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси яна юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги уч омилга боғлиқдир. Булар: биринчидан, маҳсус қонунлар ва қоидаларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитининг амал қилиши; учинчидан, журналистларнинг касб маҳорати ва ўз сўзи учун масъулият даражаси.

## **Назорат саволлари**

1. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида Олий Мажлиснинг ролини ошириш юзасидан Ҳаракатлар стратегиясида қандай чора тадбирлар назарда тутилган?
2. Қабул қилинаётган қонунлар сифати деганда нимани тушунасиз?
3. Ҳаракатлар стратегиясида суд-хуқуқ ислоҳотлари жараёнига доир қандай ўзгаришлар назарда тутилмоқда?
4. “Электрон парламент” тизими қандай вазифани бажариши режалаштирилган?
5. Ҳаракатлар стратегиясида сиёсий партиялар ролини кучайтириш юзасидан қайси ишлар амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган?
6. Халқ билан самарли мулоқот механизмлари Ҳаракатлар стратегиясининг қайси бандида ўз аксини топган?
7. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг 2017 йилга тегишли дастури механизимларида қандай ишлар амалга оширилиши лозим?
8. «Жамоатчилик назорати»нинг зарурати нимада?
9. Жамоатчилик назоратининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат.
10. Жамоатчилик назоратининг субъектлари тўғрисида ниаларни биласиз?
11. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги жамоатчилик назорати самарадорлигининг муҳим шарти.
12. 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши жамоатчилик назоратини кенг миқёсда ривожлантириш учун қандай имкониятлар яратади?
13. Фуқаролик жамияти институтларига қандай жамоа ташкилотлари ёки бирлашмалари киради?

### **3 - боб. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**3.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш**

**3.2 Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш**

**3.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш**

**3.4. Жиноятчиликка қарши қурашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш**

**3.5. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиши тизимини такомиллаштириш**

**3.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш**

Суд ҳокимияти – суд томонидан процессуал қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда, процессуал ва моддий хуқуқни қўллаш орқали ўзининг компетенциясига тегишли бўлган ишларни ҳал этиш учун берилган ҳокимият ваколатидир. Суд ҳокимиятини чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш ва суд ҳимоясининг самарадорлигини оширишга қаратилган мамлакат суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишининг асосий вазифалари бўлиб, судларни ҳар томонлама мустақил ўзини-ўзи моддий-техника жиҳатидан таъминлаш ва молиялаштириш ҳисобланади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини Ўзбекистон

Республикаси Олий суди тасарруфига ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон Фармонига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди, уларнинг штат бирликлари тасдиқланди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

**Судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар қўриш.** Ўтган йиллар давомида суд-хукуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судларнинг холислиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судни ҳокимиятнинг холис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳукуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиласиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳукукий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, суд-хукуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ–4850-сон ҳамда 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон Фармонларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари “Судлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган. Қонуннинг 67-моддасига биноан:

- уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;
- уларнинг дахлсизлиги;
- қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;
- судга хурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;
- судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш таъминланади.

**Судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга хизмат қилди. Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–2682-сон Фармонига мувофиқ 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида Корақалпоғистон

Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинди.

**Суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш.** Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67-моддасига кўра судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда, уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш тартиб тамойилли алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ бу тартиб тамойилни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Судьяларнинг ваколат муддати нисбатан қисқа эканлиги амалиётда судьяларнинг мустақиллигига зарар етказиш эҳтимолини кучайтиради. Шундай ҳолатлар бўладики, судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажаришга принципиал ёндошуви субъектив баҳоланиши туфайли унинг номзодининг кейинги муддатга кўрсатилмай колишига сабаб бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Стратегия 2.1-бандида бошқа масалалар қатори судьяларнинг мустақиллиги ва беғаразлиги принципининг сўзсиз амал қилишини таъминлашга каратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Хусусан, давлат дастурининг 2.1. йўналишида судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба 5 йиллик, кейин 10 йиллик муддатини ва шундан сўнг муддатсиз даврини белгилаш назарда тутилган. Бу тадбирни амалга оширилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида етук, ўз бурчига садоқатли профессионал судьялар корпусини шакллантириш ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа органларининг

таъсиридан холи қилиш манфаатларига хизмат қилади. Бу ўз навбатида, суд ишларининг мустақил ва беғараз судья томонидан кўриб чиқилишини, ишларнингadolатли ва холисона ҳал қилинишини таъминлайди.

**“Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш.** “Хабеас корпус акт” – юридик қоидаси дастлаб XV асрда Буюк Британияда пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик ўз тарракқиёти жараёнида Англия Парламенти томонидан 1679 йил 26 майда қабул қилинган қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Шуни айтиш керакки, “Хабеас корпус” институти инсон ҳуқуқи билан боғлиқ қатор ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида “ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга” эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган комплекс чоратадбирлар дастурида “Хабеас корпус” институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва тергов иши юритилиши устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экспертиза килиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш назарда тутилган.

**Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.** Ҳозирги кунда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш – одил судлов қафолати ҳисобланади.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилиши белгилаб берилди:

1. Судьялар ўртасида ишларни автоматик равишида тақсимлаш тартибини жорий қилиш.

2. Судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш.

3. Суд қарорларининг ахборот-хуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари).

Хулоса қилиб айтганда, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш нафақат суд органлари фаолиятининг самарадорлигини ошишга, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган одил судловнинг ошкоралиги ва ҳамма учун очиқлиги принципларини ҳамда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлигини амалда таъминлашга, фуқароларнинг судлар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини қисқа муддатларда судлар томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қиласди.

### **3.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш**

Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш борасида салмоқли саъй ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳаракатларнинг муҳим йўналиши сифатида Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди ва ушбу йилнинг асосий мақсад ва

вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди<sup>11</sup>.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йилнинг 24 сентябридан бошлаб дастлаб Баш вазир, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур қабулхонага қилинган мурожжатлар ва уларнинг тезкор ва сифатли ҳал этилиши жамиятимизда шу пайтгача учраб турган мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига кескин зарба берди десак ҳеч ҳам муболага бўлмайди. Зоро, қисқа давр ичida мамлакатимиз ҳудудининг энг чекка жойларидан тортиб, пойтахт Тошкент шаҳригача турли-туман масалаларда йиғилиб қолган муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда. Фикримизни қуидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди, хусусан, 2017 йилнинг 20 февралига қадар Виртуал қабулхонага жами 509122 та мурожаат қилинган ва бугунги кунда ушбу мурожаатлардан 436408 таси кўриб чиқилган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда қабул қилган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ана шундай масалаларни ҳал этишининг замонавий усулларини ҳаётимизга татбик этишни назарда тутиши билан аҳамиятли<sup>13</sup>.

Шу мақсадда фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

---

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъзуза // Халқ сўзи 2016 йил 8 декабрь.

<sup>12</sup> <https://pm.gov.uz/uz>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда.

Таъкидлаш лозимки, бу ахолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини яратишга асос бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя этиш имкониятлари кенгаяди. Мурожаатлар билан ишлаш сифати янги босқичга кўтарилади.

Жойларда, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Президент девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратища муҳим аҳамият касб этади. Бунда мурожаатларни қонунчилик доирасида тўлиқ кўриб чиқиш, холисликка амал қилиш ва ўз вақтида қаноатлантириш белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралидаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳам фуқароларнинг мурожаатларига катта эътибор қаратилган бўлиб, ушбу масала бўйича қўйидаги вазифалар белгиланган:

**Биринчидан**, ахоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш мақсадида 2017 йилнинг II чорагидаёқ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

**Иккинчидан**, 2017 йилнинг I чорагида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари раҳбарларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш нazarда тутилган. Хозирда уларнинг аксарияти виртуал қабулхоналар ташкил этиб, аллақачон ўз фаолиятини бошлаб юборган.

**Учинчидан**, ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим (бўлинма, гурӯҳ) ташкил этиш ва давлат органлари ва муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутадиган Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

**Тўртингидан**, мурожаатларнинг келиб тушиш манзили, қуи тизимларга юборилганлиги, уларнинг мазмуни, тури ва кўтарилиган масалалар классификацияси ҳамда такрорий ва аноним мурожаатлар ҳисоби, кўриб чиқиш натижаси, белгиланган тартиб ва муддатларда риоя қилиниши, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари бўйича таҳлиллар олиб бориш мақсадида **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини масъул ижрочилар ва соҳалар бўйича тақсимланиши ҳамда тизимлаштирилишини назарда тутувчи мурожаатларнинг ягона классификатори”**ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, мурожаатларни рўйхатга олиш тизими бўйича ягона электрон дастурни татбиқ этиш кўзда тутилган.

**Бешинчидан**, аҳолига ҳуқукий масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб боришини фаоллаштириш, ҳуқукий маслаҳатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида кенг тарғиб қилиш мақсадида давлат органлари ва жамоат ташкилотлари веб-сайтлари орқали ўз соҳа фаолиятининг йўналишлари бўйича **“Онлайн маслаҳат”** рукнини ташкил этиш белгиланган.

**Олтинчидан**, фуқароларнинг мурожаатлари энг кўп тушадиган соҳалар, улардаги тўсиклар, фуқароларни ўйлантирадиган бошқа эҳтиёжларни аниқлаш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳар бир давлат ва хўжалик бошқаруви органларида мурожаатлар билан ишлаш

аҳволини ҳар чоракда умумлаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти бўйича аҳолининг фикрини ижтимоий сўров ўтказиш, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали аниқлаш ва камчиликларни бартараф этиш тартибини киритиш назарда тутилган.

Юқоридаги чора-тадбирлар фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳукуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш учун зарур ташкилий ва ҳукуқий асосларнинг яратилиши мамлакатимиизда фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтиради, аҳолининг адолат қарор топишига ишончини мустаҳкамлайди, амалдаги қонунчиликка ҳурмати ошишига хизмат қиласди.

**Суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш.** Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш демократик давлатни барпо этишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 44-моддасида фуқароларнинг одил судловга бўлган ажralmas конституциявий ҳукуки мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир шахс учун ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи кафолатланган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳукуқини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган “Фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар

**ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда суд ишларини юритишга доир янги процессуал қонунчиликнинг қабул қилинганлиги фуқароларнинг юқорида қайд этилган хуқуқининг рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этиб келмоқда.**

Бугун замоннинг ўзи давлатимиз олдига нафақат суд, шунингдек бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида ҳам фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада самарали таъминлаш вазифасини кучайтириш талабини кўймоқда.

Жумладан, давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқища сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган хуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш белгиланган<sup>14</sup>.

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба бундай кенг кўламда, янги форматда жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

**Биринчидан**, жисмоний ва юридик шахслар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш жараёнида тўланадиган давлат божи миқдорини камайтириш.

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони // “Халқ сўзи” газетаси, 22.10.2016 й., 209 (6644)-сон.

Маълумки, хуқуқлари бузилган фуқаролар адолат кутиб фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қиласидар. Аммо ўрнатилган давлат божи ставкалари даъвогар жисмоний ва юридик шахслардан катта миқдордаги давлат божини тўлашни талаб этади. Улар бундай имкониятга эга бўлмаган тақдирда кўпинча одил судга мурожаат этишда муайян қийинчиликларга дуч келишади. Бу борада давлат божини камайтиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарорининг истиқболда қабул қилиниши фуқароларнинг ўз хуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судларга мурожаат қилиш имконини янада кенгайтиради. Пировард натижада низоларнинг суд жараёнига қадар етиб бориши уларнинг адолатли ҳал этилишига хизмат қиласи ҳамда давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигининг амалда таъминланишига эришилади.

**Иккинчидан**, электрон тартибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва глобал тармоқ интернетнинг кун сайин такомиллашиб ҳамда оммалашиб бориши одил судловни юритишнинг электрон шаклларидан кенг тарзда фойдаланиш суд процесси тарафлари учун ҳар томонлама қулайликларни яратади.

Бу орқали одил судловни олиб борища самарадорликнинг ортишига ва процессуал иштирокчилар ўртасида сансалорлик натижасида ортиқча харажатларнинг бартараф этилишига эришилади.

**Учинчидан**, судлар фаолиятига оид маълумот билан фуқароларни таъминлашни назарда тутувчи “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.

Қонунчиликка киритиладиган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар орқали суд органлари фаолияти тизимига оид маълумотлар ҳамда суд ҳужжатларининг ошкоралигини таъминлаш орқали судлар фаолиятининг шаффоғлиги таъминланади. Бунинг натижасида халқнинг судларга бўлган

ишончи ва ҳурмати ортади. Судларга нисбатан жазоловчи орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида муносабатда бўлинишига эришилади.

Шунингдек, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 29-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг ўzlари истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш сингари конституциявий ҳуқуқларидан суд органлари фаолиятига нисбатан фойдаланиш имкониятини яратади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 30-моддасида назарда тутилган фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқларидан самарали тарзда фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

**Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари иили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг иккинчи йўналишида Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида фуқароларининг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам назарда тутилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди” – деб белгиланган.

Хусусий мулк бозор иқтисодиётининг таянчи экан, асосий қонунимизда назарда тутилган мазкур норманинг амалиётга самарали татбиқ этиш мақсадида, мамлакатимизда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

базасининг яратилишига катта эътибор қаратилди. Бу борада мулкчиликнинг турли шаклларини ўзида белгилаб берган “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонун, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид асосий ғояларни ўзида акс эттирган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун, мулкчилик муносабатлари турли жиҳатдан тавсифлаб берилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиизда хусусий мулк ҳимоясига оид қонунчиликни янги босқичга кўтарди. Хусусан, Қонуннинг 17-моддасида “Хусусий мулк бўлган мол-мулкни, шу жумладан ер участкасини национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мулкдорга унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган заарарнинг ўрни тўла қопланиши шарти билангина амалга оширилади”, 24-моддага кўра эса “Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ва бекор қилинмайди” деб белгилаб қўйилиши хусусий мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим роль ўйнади.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-391-сон Қонуни, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-418-сон Қонунининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг хусусий мулқдан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланилиши, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирги пайтда ўз ечимини топаётган масалаларни ҳал этишимиз лозим. Дастурда бу борада бир қатор масалаларни ҳал этиш назарда тутилган.

### **3.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш**

“Харакатлар стратегияси”нинг 2.3. бандида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш белгиланган бўлиб, унда ушбу қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Жумладан, Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Мазкур вазифа доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффоғлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳолати, замонавий талаблардан, халқаро

стандартлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этишни назарда тутган ҳолда “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 2018-2021 йилларга мўлжалланган Концепция” лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унда:

*Биринчидан*, қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тутатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имкониятини кенгайтириш назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда уни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ахлоқий-тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини кучайтиришга қаратилган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турини киритиш белгиланган. Ушбу ўзгартиришлар жиноят содир этган кўплаб инсонларни жамиятдан, уларнинг оиласидан ажратмаган ҳолда содир этган жинояти учун инсонпарварлик тамойилларига асосланган жазо турларини кенгроқ қўллаш имконини беради;

*Иккинчидан*, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини янада кенгайтириш ўз ифодасини топган бўлиб, унда асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни ушбу институтга киритиш назарда тутилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бугунги кунда ярашув институтига 50 дан ортиқ жиноятлар киритилган бўлиб, минглаб инсонлар жиноятни содир этгандан сўнг етказилган заарни қоплаб, жабрланувчилар билан ярашиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни давом эттириш ва ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўладиган жиноятлар сонини кенгайтириш

мамлакатимизда янада кўпроқ шахсларни судланганлик ҳолатидан сақлаб қолади;

*Учинчидан*, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, бозор муносабатлари асосларига мувофиқ келмайдиган ҳамда тадбиркорликнинг ривожланишини ва иқтисодий айланмани тўхтатиб турувчи айрим иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликни бекор қилиш ҳам ушбу лойиҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Ушбу йўналишда иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан, хўжалик фаолияти соҳасидаги айрим ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан батамом чиқариб ташлаш, бунинг эвазига мазкур соҳада биринчи марта жиноят содир этган шахслар тўғри йўлга қайтса, уларнинг қонун бузилиш ҳолатлари ва унинг натижасида етказилган зарар бартараф этилса ҳамда улар тадбиркорлик фаолиятини қонуний амалга оширишни бошласа, бундай тоифадаги шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилади;

*Тўртинчидан*, вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал харакатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга доир бир қатор ўзгартиришлар киритиш белгиланган. Бунда диққат-эътибор вояга етмаган шахсларни ўқиш ва ишдан, энг асосийси, уларни оиласидан ажратмаган ҳолда, уларни таълим-тарбиясига ижобий таъсир қилувчи, хорижий мамлакатларда ўзини ижобий томондан оқлаган жазо ва мажбурлов чораларини кенгроқ қўллашга қаратилади. Шунингдек, нафақат вояга етмаган айбланувчи ва судланувчи шахсларни, балки жиноятлардан жабр кўрган ва у ёки бу жиноятнинг гувоҳи бўлган вояга етмаганларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим ўзгартиришлар киритилиши белгиланган. Бунда вояга етмаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатларини амалга оширишда уларни адвокат, ота-оналари ёки яқин қариндошлари билан иштироқини таъминлаш, ушбу жараёнларнинг муддатларини қисқартириш ва бошқа шу каби ўзгартиришлар назарда тутилади;

*Бешинчидан*, қилмишнинг жинойлигини истисно этадиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартибини белгилаш назарда тутилган. Бунда қилмишнинг жинойлигини истисно этадиган ҳолатларни кенгайтириш, жиноят содир этилиши натижасида келтирилган зарар қопланган тақдирда, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи алоҳида рағбатлантирувчи нормалар киритилиши белгиланган. Шунингдек, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонунни қўллаш тартиби юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорини қабул қилиш ва унда шахснинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, етказилган зарарни қоплаган, чин кўнгилдан амалда пушаймон бўлган шахсларга нисбатан жиноят қонуни нормаларини тўғри ва бирхилда қўллашга оид тушунтиришлар беришга алоҳида эътибор қаратилади.

*Олтинчидан*, судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланишининг амалдаги муддатларини қисқартириш белгиланган. Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун хукм этилганидан келиб чиқадиган хуқуқий ҳолатдир. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва судланганликнинг олиб ташланиши муддатларини ярмига қисқартириш, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахслар учун судланганлик муддатини белгиламаслик тўғрисидаги қоидалар назарда тутилади. Судланганлик муддатининг қисқартилиши, унинг барча хуқуқий оқибатлари бекор бўлишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида шахснинг хуқуқий ҳолатини енгиллаштириш, ижобий хулқ-авторини рағбатлантириш билан бирга, шахсга нисбатан давлат томонидан ишонч билдирилаётганлигининг амалий ифодаси ҳисобланади.

*Еттинчидан*, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш орқали тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини қучайтиришга қаратилган “мажбурий жамоат

ишлари” жазосини киритиш назарда тутилган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш, жиной фаолиятига тўсқинлик қилиш, янги жиноят содир этилишини олдини олиш, келгусида Конституция ва қонунларга оғишмай риоя қилишга олиб келади. Шу билан бирга, мазкур жазо нафақат жиной жазоларни либераллаштиришга, балки жиной жазоларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қиласи.

Эътиборли томони шундаки, мазкур жазо шахснинг асосий иш вақтидан ташқари вақтда ижро этилиб, кунига тўрт соатдан ошмаслиги белгиланади.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, мазкур қонун натижасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш, жиной жазоларни инсонпарварлаштиришга эришилади.

Келгусида фуқаролик ва хўжалик судларида ишларни кўриб чиқиши процессуал механизмларини такомиллаштириш ва бир-бирини такрорловчи ваколат ва инстанцияларни қисқартириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1. Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши муддатини 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади.
2. Вилоят миқёсидаги судлар томонидан фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиши институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиши бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатларини бекор қилиш.

4. Ишни назорат тартибда кўриб чиқадиган суднинг ишни биринчи инстанция судига ёхуд апелляция ёки кассация инстанцияси судига янгидан кўриб чиқиш учун юборишга оид ваколатларини аниқлаштириш.

5. Хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриб чиқиш асослари тартибини такомиллаштириш, шу жумладан фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари бўйича янги очилган ҳолатлар юзасидан қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бериш мумкин бўлган энг кўп муддатни аниқлаштириш ва қисқартириш.

6. Электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

### **3.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш**

**Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сон Фармонига кўра, фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш масаласи белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул органлар ўз ваколатларини ҳар

қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйисиниб амалга оширадилар.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши кураш чораларини самарали бажариш ва асосий фаолият йўналишларини келишувчилик асосида таъминлаш мақсадида ўз фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш деганда тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш назарда тутилади.

Шу маънода мазкур вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси ва жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг тартиби ва механизmlари аниқ белгилаб берилади.

**Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чоратадбирларни кучайтириш.**

Бугунги кунда мамлакатимизда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш борасида етарли тажриба ва ҳукуқий база шакллантирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” Қонуни, 2004 йил 26 августдаги 660-II-сонли “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, шунингдек, мамлакатимизда БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ратификация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қатор хорижий давлатлар ҳукуматлари ўртасида имзоланган уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қатор ҳамкорлик меморандумлари диний

экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

2017 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг ИИВ, МХХ, ДБҚ, Баш прокуратура, Мудофаа вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар иштирокида диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш амалиётини ўрганиб, ушбу йўналишда ташкилий-амалий тадбирларни янада кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлаш назарда тутилган.

### **Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш.**

Жиноятчиликка қарши кураш тизимини ва инсон ҳукуқларининг ишончли ҳимоясини янада такомиллаштириш, халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ўз ичига қонунийликни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини ташкил этиш заруриятини намоён этади.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг амалга оширилишида миллий қонунчиликга халқаро ҳуқунинг умумэътироф этилган нормалари тадбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади, буни биз 2008 йили “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясиға (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишида яққол кўришимиз мумкин.

Халқаро стандартларни хисобга олган ҳолда коррупцияга қарши кураш бўйича ҳуқуқий ва институционал асосларини келгусидаги такомиллашуви мақсадида 2017 йилнинг 4 январ санасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Қонунга кўра коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

очиқлик ва шаффоффлик;

тизимлилик;

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017-2018 ийларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди<sup>15</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон антикоррупцион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек коррупциянинг олдини олиш учун институционал базасини мустаҳкамлаш мақсадида муҳим қадамларни ташлаган десак адашмаймиз.

**Аҳолининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.**

Бунда ғоят муҳим жиҳат – жамоатчиликка давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти ҳақида маълумот бериш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлардан, биринчи навбатда, инсон хуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг қонуний манфаатларига доир қарорлардан аҳолини кенг хабардор қилиб бориш механизmlарини янада такомиллаштириш билан боғлиқ.

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.

Бугунги глобаллашув замонида жаҳон жамоатчилигини, ҳалқимизни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотлар олишини кенг таъминлаш, шу йўл билан давлат ва жамиятга бўлган ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш талаб этилади.

Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий йўналишдаги ахборот тизимлари сони ва сифатини ошириш, уларнинг фойдаланиш учун қулайлиги масалалари мухим аҳамиятга эга.

Таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар ўз фаолиятларини соф ахлоқий, юксак маънавий қадриятларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш ва энг мухими фуқароларнинг жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, ҳуқуқий масалалар доирасида ҳам фаоллигини ошириш вазифасига сафарбар этишлари лозим.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини жорий “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид давлат дастурида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш борасида вазифалар белгиланган.

### **3.5. Юридик ёрдам ва хизмат қўрсатиш тизимини тақомиллаштириш**

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа барча норматив-ҳуқуқий хужжатларида

фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва инсонпарвар демократик хуқуқий давлатни барпо этиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар - давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш яққол мисолдир. Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда юридик хизмат муҳим роль ўйнайди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида юридик хизмат ходимларининг хуқуқ ва бурчларини тартибга солиш, қонунийликни таъминлашда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш заруриятидан келиб чиқиб, бир қатор қонунлар ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Республикамизда бугунги кунга келиб, тегишли равишда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари 600 000 дан ортиқни ташкил этади. Шундан якка тартибдаги тадбиркорлар 230 000 га яқин, микрофирма ва кичик корхоналар 190 000 дан ортиқ, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар 4 900 дан ортиқ, фермер хўжаликлари 160 000 дан ортиқ, бошқа корхоналар 74 000 яқин, бу шундан далолат берадики республикамизда шунча тадбиркорлик субъектлари фаолият юритар экан улар фаолиятида юридик хизмат қай даражада таъминланган деган савол туғилади?

Бизга маълумки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини амалга оширишда улар у ёки бу соҳада албатта юридик хизмат ходимининг масалаҳатига ёки унинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиши табиий ҳол.

Юридик хизматнинг шартномавий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш соҳасидаги вазифалари ва хуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида**”ги Конунида белгилаб қўйилган.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори** қабул қилинди ва мазкур қарор билан “**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида**”ги ва “**Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида**”ги низомлар тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори** билан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини беш йилда бир марта аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш мустаҳкамлаб қўйилди. Юридик хизматга ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 июндаги “**Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юридик хизматлари фаолиятининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзgartариш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида**” 149-сон қарорининг қабул қилиниши бу соҳада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жамиятда қонунчилликка риоя этилишида давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги, шартномавий-хуқуқий ва талабномадаъво ишларини амалга оширадиган юридик хизматлари доимий кўмаклашиб келмоқда.

Шу билан бирга, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишининг олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани, юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат бирликларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон бермаяпти.

Юридик хизматлар томонидан хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчилликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаган. Мазкур соҳадаги ишлар хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган камчилик ва қонун бузилишларини бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш билан чекланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу камчиликларни бартараф этиш, салбий ҳолатларнинг тўғри қонуний ечимини топиш мақсадида **Ҳаракатлар стратегияси**да бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, юридик хизмат соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 19 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-2733-сон Қарори қабул қилинди. Қарорда юридик хизматлар томонидан хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчилликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори

малакали кадрларни жалб қилиш, юридик хизматлар ишининг сифатини ошириш қаратилган ишларни ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш каби масалалар белгилаб қўйилди.

Ушбу Қарорга асосан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган **мартаба даражаларини бериш**, кўп йиллик хизмат учун **устамаларни тўлаш** тартиби татбиқ этиш, юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобга олинишлиги, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича **уч йиллик стажига** эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун **адвокат мақомига** эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли **стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳуқуқига** эга **бўлишлиги**, юридик хизмат ходимлари ҳар чорақда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган **сумманинг 5 фоизи**, бироқ энг кам **ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан** кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши каби масалалар белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур Қарорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўtkазиш ва малакасини ошириш бўйича маҳсус ваколатли орган этиб белгиланиб, вазирлик тизимида қўшимча 5 та бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан **Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса, қўшимча 14 та

бошқарув ходими штат бирликларини ажратиш йўли билан тегишли **шўйбалар ташкил этилиши** мустаҳкамлаб қўйилди. Бошқарма давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларидағи бўш иш ўринлари тўғрисидаги ягона, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар базасини яратиш, уни мунтазам равищда янгиланиб туриш, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш, уларнинг ходимларини аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш масалалари билан шуғулланади.

Лекин шунга қарамай бугунги кунда юридик хизмат соҳасида бир қатор камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Биргина мисол, мавжуд юридик хизмат ходими штат бирликларининг қарийиб **20 фоизидан ортиғи вакантлиги**, кўпгина юридик хизмат ходимларининг олий маълумотга эга эмас.

Шу мақсадда Ҳаркатлар стратегиясида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари юридик хизматларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш учун адлия органлари тизимида уларга услугубий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилмалар ташкил қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимизда амалда бўлган юридик хизмат, ҳуқуқий ишлар ва унга услугубий раҳбарлик қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришга давлатимизнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлари томонидан катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга ушбу Қарорнинг мазмунидан келиб чиқиб, соҳани янада ривожлантириш учун бир қанча ишлар амалга оширилиш мақсадга мувофиқдир.

*Биринчидан*, юридик хизматни фаолиятини тартибга солиш мақсадида **“Ўзбекистонда юридик хизмат тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш, бу барча мулк шаклларидаги юридик хизмат фаолиятини тартибга солишга хизмат қиласи;

*Иккинчидан*, адлия органлари ходимлари, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматининг малакали ходимлари томонидан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ёш ходимларига,

тадбиркорлик субъектларига уларнинг малакасини ошириш мақсадида тренинг машғулотлари олиб боришни (видеоконференция ёки бошқа усулларда) ҳамда Ўзбекистон юристлар ассоциациясини ташкил этиш;

*Учинчидан*, юридик хизмат ходимларини жаҳоннинг ҳукуқ соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаларида малака оишириш ва юридик хизмат тузилмаларига тажриба алмашиш учун юбориш амалиётини кенгайтириш;

*Тўртинчидан*, юридик хизмат ходимларининг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш мақсадида имтиёзли (ипотека, истеъмол, автотранспорт ва бошқалар) кредитларни бериш билан уларни рағбатлантириш лозим.

**Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишида адвокат ўринини ошириш.**

Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Адвокатура тўғрисидаги”, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий химояси тўғрисидаги” қонунлар, шунингдек, Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар билан тартибга солинади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси асосида адвокатура институти такомиллаштирилиши назарда утилган.

Жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўрилишида адвокатнинг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизми такомиллаштирилади.

2. Судгача ва судда иш юритишида адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хulosаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатлари сўраш ва олиш тартиби аниқлаштирилади. 3. Фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараённида, шунингдек жиноят

процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштироки кенгайтирилади.

4. Суд ишини юритиша иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби қайта кўриб чиқилади. Адвокатура институтини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш хукуки бериш.

2. Адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш.

3. Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиқса тортиш тизимини мақбуллаштириш.

4. Адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш.

5. Адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиши, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш.

6. Адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-хукукий шаклларини жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиши.

7. Тадбиркорлик субъектларига хукукий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш. “Адвокатура тўғрисида”ги қонун адвокатлик тузилмаларини адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ёхуд юридик маслаҳатхона шаклларини назарда тутади. Юридик маслаҳатни ривожлантириш мақсадида, қонун асосида уларнинг ваколат ва хуқуqlари кенгайтирилади. Юридик маслаҳатхоналар ва юридик консалтингларни фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларга солиқ имтиёзлари берилади.

## **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси суд тизимиning ихтисослашуви янада такомиллаштириш ва такомилаштиришнинг кейинги босқичи хусусида қандай фирмдасиз?
2. Суд тизимида бўғин ва инстанция тушунчаларини ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципини судьяларнинг мустақиллиги билан боғлаб беринг.
4. Судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказганлик учун жавобгарликнинг мазмунини ёритиб беринг.
5. Тадбиркорлик субъектлари хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иқтисодий судларнинг ташкил этилишининг аҳамиятини тушунириинг.
6. Маъмурий судларни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб беринг.
7. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мазмун моҳиятини ёритиб беринг.
8. “Хабеас корпус” институтининг мазмун моҳиятини ёритиб беринг.
9. “Хабеас корпус” институти Ўзбекистонда қандай шаклда амалга оширилади?
10. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури бўйича 2017 йил 3-чорақда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилади?
11. Жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг моҳияти, мақсади нималарда намоён бўлади?
12. Диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича қандай ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофик?
13. Адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш хуқуқини берилиши зарурати ҳақида фикр билдиринг.

## **4-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 4.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш**
- 4.2 Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш**
- 4.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш**
- 4.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш, институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш**

### **4.1. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш**

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида **макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишининг қўйидаги вазифалари белгилаб олинди:**

макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш сиёsatини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш;

илгор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёsatини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солища замонавий бозор механизмларини

босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш;

сугурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш;

халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва Марказий банкнинг асосий регулятори бўлмиш, қайта молиялаш ставкасини ўрнатишнинг халқаро методикасидан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг очиқлиги ва молия бозорларининг ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валюталар ва олтин билан амалга ошириладиган своп операциялари ҳажмини ошириш ва миллий валютанинг номинал алмашув курсини АҚШ доллари, евро ва Япония иенидан ташкил топган “валюта савати”га нисбатан аниқлашни жорий қилиш йўли билан миллий валюта-сўмнинг девальвация суръатини пасайтириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АҚШ Федерал захира тизими, Европа Марказий банки ва Япония Марказий банки билан валютавий своп операцияларини узлуксиз равишда амалга оширишни йўлга қўйиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлаш билан боғлик бўлган муаммолар барҳам топади; иккинчидан, Марказий банкнинг расмий халқаро валюта захираларини бошқариш имконияти кенгаяди.

Ушбу борадаги тўпланиб қолган муаммони бартараф этиш учун валютани тартибга солишининг илгор бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш кун тартибидаги бирламчи масалалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам валютани тартибга солишининг янгича механизмларини ишлаб чиқиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини тайёрлаш Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилди. Қарор лойиҳасида куйидагиларнинг акс этиши назарда тутилган:

валюта бозоридаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор механизмини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи ва қўллаб-куватловчи валюта курси сиёсатини такомиллаштириш;

тадбиркорлик субъектларининг ўз валюта маблағларини эркин тасарруф этиш хуқуқини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;

ҳар қандай манипуляцияларнинг олдини оладиган механизмларни жорий этган ҳолда, хорижий валютанинг биржада эркин муомалада бўлишини таъминлаш;

тижорат банклари томонидан жалб қилинган ва ўз ресурслари ҳисобидан хорижий валютани тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда эркин сотиш тизимини жорий қилиш;

бюджетга қўшимча тушумлар, тижорат банкларининг жорий кредитлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобига иқтисодиётнинг таянч тармоқларини вақтинчалик молиявий қўллаб-куватлаш чораларини кўриш.

Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиктисодий баркарорликка эришиш йўлида Ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантиришга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳаракатлар стратегиясида қўтарилиган яна бир муҳим масала бу - солик маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилашдан иборатdir. Ушбу масалани ҳал этиш учун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) солик қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, соликقا тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солик ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, шунингдек, солик қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

2) солик юкини, шу жумладан: якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солик миқдорини, шу жумладан, фаолият кўрсатиш (масалан, узоқ ва бориш қийин бўлган) жойларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; йирик корхоналарга бўлган солик юкини мақбуллаштириш ҳисобига изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Иқтисодиётда оптимал солиқ юки даражасини амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга, ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга, бу орқали эса мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин. Солиқ имтиёзларидан фойдаланган ҳолда кичик корхона ўз фаолиятини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ҳамда охир-оқибат ўзининг иқтисодий кўрсаткичларини кўтаришга эришмас экан, тақдим этилган солиқ имтиёзлари фақатгина улар сонини қўпайтиришгагина хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун, кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда бўлган солиқ имтиёзларининг сони, ҳажмидан ташқари, уларнинг мазкур субъектлар фаолияти давомидаги самарадорлик кўрсаткичини ҳам таҳлил қилиб бориш лозимdir.

### **Назорат саволлари**

1. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллари ва шартлари.
2. Республика ва маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми.
3. Солиқ юкини камайтириш ва уни ҳисоблаш усуллари.
4. Пул-кредит сиёсати ва валютани тартибга солишининг устувор жиҳатлари.
5. Банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини оширишнинг асосий йўналишлари.
6. Истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг замонавий принциплари.
7. Суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг янги турларини жорий қилишдан кутиладиган натижалар.
8. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик, экспорт-импорт ҳажмини оширишнинг муҳим омиллари.


## **4.2 Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, амалда фаолият юритаётгантекника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқdir. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан *ишлаб чиқаришни модернизация қилиши, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқарии, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришига алоҳида эътибор қаратилмоқда*. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2016 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция қилинди, ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпdir. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан кўп бўлди.



**4.1-расм. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (2015 йилга нисбатан фоизда)<sup>16</sup>**

2016 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164 йирик ишлаб чиқариш обьекти ишга тусирилди. Жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда қўмири кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоки қуриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «GM Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», шу билан бирга «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Teknika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойихалар шулар жумласидандир<sup>17</sup>.

Ўзбекистонда кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача,

<sup>16</sup> <http://www.aza.uz/oz/politics/zbn-respublikasi-vazirlar-ma-kamasining-mazhlisi-t-ris-15-01-2017>

<sup>17</sup> [www.gov.uz/uz/news/category/1](http://www.gov.uz/uz/news/category/1)

қайта ишлаш тармоғи улуси 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш кувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа;

рангли ва қимматбаҳо металларни чукур қайта ишлаш бўйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

кимёвий хом ашёларни чукур қайта ишлаш бўйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа;

углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн. долларлик 7 та лойиҳа;

курилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа;

тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2020 йилларда аҳолининг энергия таъминоти яхшилаш учун кўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига кўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн. тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва

ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблағлари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан 602 000,0 млн. сўм инвестициялар йўналтирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиласи.

Туризм тармоғи жаҳон савдосининг энг йирик тармоғига айланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ер юзидағи жами товар ва хизматлар экспортида даромад келтириш бўйича учта йирик тармоқлар нефть қазиб олиш ва автомобилсаноатидан кейинги учинчи ўринда туради. Туризм соҳаси жаҳонда бўладиган жами экспортнинг 10 фоизини беради, хизматлар савдосининг эса 35 фоизи туризмга тўғри келади. Буюк Ипак Йўлида жойлашган, асрлар давомида ўз давлат ғазнасининг катта қисмини саёҳатчилар ва хорижий савдогарлар ҳисобидан тўлдириб келган қадимий шаҳарлари билан машҳур, тарихий ва маданий ўтмишга эга Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғини ривожлантириш учун реал имкониятларига эга.

Туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, жумладан: мамлакат барча худудининг туристик имкониятини ўрганиш ва янги туристик маҳсулотлар ва маршрутларни

шакллантириш; аҳоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича чоратадбирлар комплексини амалга ошириш; ички маршрутлар бўйича янги авиаалоқалар очиш; маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида ҳудудий ва халқаро йўналишлар бўйича чартер рейсларини ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтиришга оид ислоҳотларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидан жой эгаллагани туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз туризм соҳасидаги иккита катта муаммолар, биринчиси ўз фаолиятининг барча турларини миқдор ва сифат жиҳатидан кенгайтириш, иккинчидан пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга имкон яратади.

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш Ҳаракат дастурининг энг аҳамиятли вазифалари қаторидан ўрин олган.

Белгиланган ушбу вазифани бажариш йўналишида мустахкам замин яратилган бўлиб, 2016 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 6145,8 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 2,1 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқаларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши бу жараёнларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада юксак талаблар қўймоқда.

2018-2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини қабул қилиш ҳам 2017 йилдаги асосий вазифа бўлиб унда куйидагилар назарда тутилади:

юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш;

Ўзбекистон учун савдо алоқалари ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш;

ташқи бозорлар конъюнктурасини ўрганиш асосида катта ҳажмдаги экспортбоп товарларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

ташқи бозорларни маркетинг ўрганиш усулини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

белгиланган бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали ушбу бозорларни миллий маҳсулотлар билан таъминлаш;

халқаро сифат стандартларни (ISO 9001) кенг жорий этиш, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида таъкидлаганларидек, “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда.

Шу сабабли йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича дастурларнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш ҳамда уларга эришиш лозим.

Якуний мақсад – иқтисодиёт тармоқлари учун ишончли инфратузилмани шакллантириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига қулай шартшароит яратиб беришдир”<sup>18</sup>.

#### 4.1-жадвал

##### **Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш тадбирлари**

Амалга ошириладиган тадбир	Бажариш муддати	Сарф-харажатлар (млн. сўм)
«Talgo-250» русумидаги 2 та юқори тезликдаги йўловчи поездини сотиб олиш лойиҳасини амалга ошириш	2017 йил 1-ярми	42,0 млн.долл.
Қарши-Термиз темир йўл линиясини электрлаштириш	Йил давомида	160,3 млн.долл.
Бухоро-Мискин янги темир йўл линиясини қуриш	Йил давомида	143,0 млн.долл.
Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш	2017 — 2019 йиллар	18,0 млн.долл.
Темир йўлларни қайта тиклаш	2017 — 2019 йиллар	51,1 млн.долл.
Йўловчи вагонлар таркибини янгилаш	2017 — 2019 йиллар	8,1 млн.долл.
«Тошкент шаҳар аэропорти янги халқаро йўловчи терминалини (Тошкент-4) қуриш» лойиҳасини амалга ошириш	2017 — 2019 йиллар	жами — 343,6 млн.долл., шундан, 2017 йилда — 152,9 млн. долл.

Манба: ЎзР статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида инвестиция дастури доирасида Республика йўл жамгармаси нинг 1550000 млн сўм маблағлари ўзлаштирилиши қўзда тутилган бўлиб, у қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

умумфойдаланишдаги халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш;

хўжаликлараро автомобиль йўлларни таъмирлаш;

---

<sup>18</sup>Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

шашар кўчалари, аҳоли пунктларига кириш ва ички йўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

йўл хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш;

курилиш материалларини инновацион турларидан ҳамда замонавий илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда автомобиль йўллари сифатини яхшилашни белгиловчи стандартларни такомиллаштириш.

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 2009-2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципиал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон иқтисодиётдаги барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлашда қандай омиллар асосий роль ўйнади?

2. Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш деганда нимани тушунасиз?


3. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш деганда нимани тушунасиз?

4. Фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш деганда нимани тушунасиз?

#### **4.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш**

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2015 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртacha йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ҳисоблагандага 2000-2016 йилларда ўртacha 6 %дан юқори бўлди ошди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 % га teng бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 16,8 % гача пасайган (4.2-расм).



**4.2-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, фоизда**

Юқоридаги ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустрисал тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш вазифаларига асосий эътибор қаратилган (4.3-расм).



**4.3-расм. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.**

Биринчи навбатда 2016-2020 йиллар оралиғида пахта хомашёси етиштириладиган майдонларни 170,5 минг ва сүфориладиган ғалла майдонларини 50,0 минг гектарга қисқартириш ҳисобига картошқа майдонини 36,0 минг, сабзавотлар майдонини 91,0 минг, интенсив боғлар майдонини 18,0 минг, озуқа әкинларини 50,3 минг, мойли әкинларни 14,0 минг ва узумзорларни 11,2 минг гектарга кенгайтириш билан боғлиқ әкин майдонларини янада оптималлаштириш ишлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда әкинларга ишлов беришнинг илгор агротехнологияларини, юқори унумдорликка эга техникалар ва машиналарни ҳамда сүфоришнинг замонавий усулларни қўллаш натижасида әкинлар ҳосилдорлигини пахтада 26,1 дан 26,9 ц/га (+ 0,8), бошоқли донларда 54,9 дан 66,4 ц/га (+ 11,5), картошкада 218,9 дан 230,5 ц/га (+ 11,6), сабзавотларда 277,1 дан 294,0 ц/га (+ 16,9), меваларда 123,9 дан 140,4 ц/га (+ 16,5), токзорларда 126,7 дан 137,1 ц/га (+ 10,4) ошириш кўзда тутилмоқда.

**Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида биргина 2017 йилнинг ўзида** пахта әкин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш ҳисобига қисқартирилган әкин майдонларининг 8,1 минг гектарига картошқа, 27,2 минг гектарига сабзавот, 5,9 минг гектарига интенсив боғ, 2,9 минг гектарига токзор,— 10,9 минг гектарига озуқа әкинлари ва 4 минг гектарига мойли әкинларни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар натижасида паст рентабелли әкин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш, қўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ҳудудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу әкин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш имкони яратилади

Қишлоқ хўжалиги әкинлари ҳосилдорлигини оширишда уруғчилик-селекция ва нав танлашнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда

мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан мевали, резавор мевали, ёнғоқсимон, субтропик, цитрус ўсимликлар ҳамда узумнинг янги навларини яратиш, маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш, парваришилаш технологияларини ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилди. Натижада Марказий Осиёда биринчи бўлиб селекцион йўл билан уруғли, данакли, резавор, ёнғоқ мевали экинлар селекцияси йўлга қўйилиб, янги навлар яратишга асос солинди. Кўп йиллик илмий тадқиқотлар туфайли 170 дан ортиқ мева-узум навлари яратилиб, уларнинг саксонга яқини Давлат реестрига киритилди. Ҳозирги кунда мева, сабзавот, картошка ва полиз навларининг 709 тури Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади.

Ҳаракат стратегияси бўйича 2017-2021 йилларда бу йўналишда: республика тупроқ-иқлим шароитига мос, қурғоқчиликка, шўрликка, иссиқликка ва касалликларга чидамли қишлоқ хўжалиги экинлари навлари ва ҳайвонот турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш; геннокаут биотехнологиялари асосида истеъмолчилар соғлиғига салбий таъсирчанлигини исботлаган ҳолда, ҳар хил тупроқ-иқлим зоналарига мос эртапишар ва юқори ҳосилли қишлоқ хўжалик экин навларини яратиш вазифалари белгиланган.

Чорвачилик тармоғини модернизациялаш ва жадал ривожлантириш бутун аграр тармоқни ривожлантириш стратегиясининг муҳим қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида 2016-2020 йилларда йирик шохли қорамолар бош сонини 3 165 минг бошга, қўй ва эчкилар бош сонини 4 281 минг бошга ва паррандалар бош сонини 31 200 минг бошга ошириш вазифалари белгиланган. Бунинг натижасида шу йиллар оралиғида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми (тирик вазнда) 519,0 минг, сут

4 177,0 минг, балиқ 90,0 минг, асал 13,7 минг тоннага ва тухум 4 100,0 млн. донага ошади (4.4-жадвал).

#### 4.4-жадвал

#### **Республикада 2016-2020 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг прогноз кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2015	Прогноз кўрсаткичлар					2020 й. 2015 й.га нисб. ўзгариш		
		2016	2017	2018	2019	2020	+ , -	%да	
<b>Чорва моллари бош сони, минг бош</b>									
Йирик шохли қорамолар	11 635	12 150	12 720	13 350	14 050	14 800			
Қўй ва эчкилар	18 906	19 600	20 380	21 240	22 170	23 187			
Парранда	60 800	64 600	69 500	75 500	83 000	92 000			
<b>Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг тонна</b>									
Гўшт (тирик вазнда)	1 981	2 060	2 150	2 260	2 375	2 500			
Сут	8 823	9 478	10 242	11 075	11 957	13 000			
Тухум, млн. дона	3 500	6 200	6 900	7 700	8 600	9 600			
Балиқ	60	75	90	110	130	150			
Асал	9,3	11,0	13,0	15,5	19,0	23,0			

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорига иловалар асосида тузилган.

Ҳаракат стратегиясида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш мақсадида қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

2017 йилда сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 105,7, картошкани 106,3, полизни 106,1, мевани 106,0, узумни 105,7, гўштни 105,6, сутни 108,1, тухумни 111,3, балиқни 120,0 ва асални 118,2 %га ошириш;

394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларида 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш;

аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли иссиқхоналар, кичик паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликларини тузиш, бошқа

юқори самарали ва юқори даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш;

шахсий томорқалардан самарали ва оқилона фойдаланиш, юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш;

хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларини ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш, музлаткичли омборларнинг умумий ҳажмини 632 минг тоннага етказиш ва 1000 та янги иш ўринларини яратиш;

алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узоқ муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштиришга ўтиш асосида тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни камайтириш.

Ҳаракат стратегиясида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуидагиларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

кўп тармоқли фермер хўжаликлири фаолияти меъёрий-ҳукуқий асосларини яратиш, уларни давлат томонидан, ш.ж., имтиёзли кредитлаш билан қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ

жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан хисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш.

Ҳаракат стратегияси бўйича суғоришнинг илғор технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равишда давом эттирилади ва бу глобал сув

танқислиги шароитида экинларни сув билан таъминлаш ва ҳосилдорликнинг ошиб боришига замин яратади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш асосида ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш республикамизни ривожлантириш-нинг истиқболли йўналишларидан саналади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2016 йил 5 мартағи “2016-2020 йилларда мева сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хомашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарорига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 595 886,3 минг доллар эквивалентига тенг жами 180 та инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган (4.7-жадвал).**

#### **4.7-жадвал**

#### **2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, амалдагиларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларининг қиймати**

Ташаббускорлар ва лойиҳачиларнинг номлари	Лойиҳалар умумий қиймати	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:		
		ўз маблағлари	банк кредитлари	хорижий инвестиция ва кредитлар
Жами (180 лойиҳа)	595 886,3	242 916,7	189 461,6	163 508,0
Шу жумладан:				
Янги қурилиш (141 лойиҳа)	463 267,3	169 714,7	144 324,6	149 228,0
Реконструкция ва модернизация (39 лойиҳа)	132 619,0	73 202,0	45 137,0	14 280,0

*Манба: “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК маълумотлари асосида тузилган*

Ҳаракат стратегиясида 2017 йилда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг умумий қиймати 337,8 млн. долларга тенг маблағларни қуидаги йўналишлар бўйича ўзлаштириш кўзда тутилган:

“Осиё тараққиёт банки”нинг 150,0 млн.доллар маблағини “Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш” лойиҳасига;

“Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки”нинг 150,0 млн.долл. маблағини “Чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасига;

“Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси”нинг 23,8 млн.доллар маблағини “Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш” лойиҳасига;

“Халқаро тараққиёт уюшмаси”нинг 14,0 млн.доллар маблағини “Орол бўйи минтақасида иқлим ўзгаришга мослашиш ва оқибатларини юмшатиш” лойиҳасига.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”**да белгиланган чора-тадбирлар аграр тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлаништириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда халқимиз турмуш сифати ва моддий фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.

## **Назорат саволлари**

1. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти нималарда намоён бўлади?
2. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?
3. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришдан қандай мақсадлар кўзланган?

4. Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва экинларни сугоришнинг замонавий технологияларини жорий этиш борасида қандай чора-тадбирлар белгиланган?

5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

#### **4.4. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Замонавий бозор тизимини давлатнинг аралашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ, аралашувнинг ўз чегараси мавжуд бўлиб, унинг мазкур чегарадан ошиб кетиши бозор жараёнларининг издан чиқишига таъсир этиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаяди. Натижада иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик юритишни ташкил этиш ва бошқарув жараёнларида давлатнинг меъёридан ортиқ иштирокини пасайтириш масаласи майдонга тушади.

Шунга кўра, Ҳаркатлар стратегиясида хусусий мулк хуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “**Агар ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади**” деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунга кўра, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқилиши кўзда тутилиб, унда янги ташкил этиладиган омбудсманга қуидаги ваколатларни бериш назарда тутилади:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

давлат органлари, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хуқуклари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Шунингдек, 2017 йил июнга қадар хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулк обьектларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида қуидаги тартибларни ўрнатиш кўзда тутилмоқда:

мулқдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш;

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан тадбиркорлик субъектларига етказилган заарларни олдиндан қоплаб бериш;

тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ажратилган ер участкаларидан фойдаланилмаётган, жумладан, ажратилган ер участкаларида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари томонидан олинган мажбуриятлар бажарилмаётган ҳоллар юзага келган

даврда ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаларини уч баравар миқдорда қўллаш.

Мазкур йўналиш бўйича белгиланган тадбирлардан яна бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш ҳисобланади.

Маълумки, 2010 йил 12 ноябрда Президентимиз томонидан белгилаб берилган Концепцияда илгари сурилган муҳим қонунчилик ташаббусларидан бирининг амалий татбиқи сифатида 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонуннинг З-моддасида “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан тавакkal қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”<sup>19</sup>, деб белгилаб берилди. Ушбу қонундан келиб чиқсан ҳолда, оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг рақобатдошлиқ даражасини ошириш уларнинг ўз фаолиятлари давомида кенгайиб, йириклишиб боришини тақозо этади. Лекин, кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган имтиёз ва енгилликларга эга бўлиш имконини берувчи корхоналарнинг миқдорий чегаралари айrim ҳолларда ушбу жараёнларга тўсқинлик қилиши мумкин. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг юксалиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида иқтисодий салоҳияти ортган қўплаб корхоналар мазкур имтиёзлардан фойдаланишни давом эттириш мақсадида ўз ходимлари

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. 2012 йил 26 апрель. З-модда.

сонини белгиланган миқдорий чегара доирасида сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса, уларнинг йириклиниш жараёнига тўсқинлик қилмоқда.



### 7.1-расм. Оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари<sup>20</sup>

Шунга кўра, мамлакатимизда рақобатдош компанияларни яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йириклинишни рағбатлантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқиш орқали ўрта бизнес субъекти тоифасини жорий этиш ва унга алоҳда имтиёзларни белгиланиши кичик бизнес субъектларининг ўрта бизнесга ўтиши ва шу тариқа соҳанинг жадал ривожланиши учун замин яратади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти учун қулай мұхитнинг асосий йўналишларидан бири сифатида «мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шугулланиш учун лицензия олиш,

<sup>20</sup> Қуйидаги манба асосида тузилган: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.

курилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормоқда»<sup>21</sup>.

**Яна бир йўналиш – инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборат.**

2017 йилнинг IV чорагида хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида инвестициявий жозибадорликни янада ошириш бўйича инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини, шу жумладан, «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларни танқидий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри амал қиласиган, инвестиция фаолияти, хорижий инвестицияларнинг кириб келишини қўллаб-қувватлайдиган, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш белгилаб берилган.

Дастурда белгиланган муҳим тадбир **корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларини жорий этиш, корхонларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш** ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони **корпоратив бошқарув тизимидағи тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш** бўйича энг муҳим устувор йўналишни белгилаб берган эди. Дастурда мулк таркибида давлат улуши бўлган 1100 тадан ортиқ

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир: Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза. - <http://www.aza.uz/>

акциядорлик компанияси ва бошқа хўжалик бирлашмалари фаолиятининг самарадорлигини танқидий кўриб чиқиши ҳамда бу соҳада Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган менежмент тизимлари асосида янги услуга ва ёндашувларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш белгилаб олинган эди.

Ҳаракатлар стратегияси бўйича Дастурга асосан 2017 йил I чорагида тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларига тайёр ҳолда улаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича шартномада кўрсатилган харажатларни камайтириш;

тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улашни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни унификациялашни кўзда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Натижада тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тармоғига улаш тизими янада такомиллаштирилади, унинг муддатлари ва харажатлари қисқаради.



**4.9-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми<sup>22</sup>**

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

2017 йилнинг II чорагида тадбиркорлик субъектларини хом ашё ва материаллар билан таъминлашни такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Лойиҳада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаётган ёки ишлаб чиқариш ҳажми етарли бўлмаган маҳсулотлар импорти динамикасини таҳлил қилиш асосида бундай товарларга божхона тўловлари миқдорини камайтириш, очик биржа савдолари орқали юқори ликвидли товарларни сотиш ҳажмларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ишлари назарда тутилади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг барқарор суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-кувватлашда молиявий жиҳатдан кўмаклашиш, жумладан, кредитлар ажратишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизда 2016 йилда иктисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,1 фоиз кўпайиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 53,4 трлн. сўмга етди.

Диаграммадан кўринадики, кейинги тўққиз йил мобайнида иктисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 8 баробардан кўпроқ ўсган.



**4.10-расм. Ўзбекистонда корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ажратилган инвестицион кредитлар<sup>23</sup>.**

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида.

Ушбу тадбирлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва материалларни сотиб олишда молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш имконини беради.



**4.11-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар ҳажми<sup>24</sup>.**

2017 йил март ойида якка тартибдаги тадбиркорликнинг ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш ва мазкур соҳадаги қонунчиликни тақомиллаштириш, бунда якка тартибдаги тадбиркорлар, оиласвий тадбиркорлар, дехқон хўжаликларига пластик карталаридаги пул маблағларидан ишлаб чиқариш, савдо фаолияти ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш имконини бериш ва уларни тасарруф этишдаги асоссиз чекловларни бекор қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгилаб берилган. Ушбу чора-тадбирлар банк пластик карталаридан фойдалangan ҳолда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга хизмат қиласди.

Айниқса, «Кредитлаш тизими» бўйича кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан бир йўла 63 пофона кўтарилиб, 105-ўриндан 42-ўринга чиққани қувонарли муваффақият саналади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги уч йилда мазкур рейтинг кўрсаткичи 112 пофона ўсади.

<sup>24</sup> Ўша манба.

## 4.12-жадвал

### 2015-2017 йилларда «Бизнесни юритиш» рейтинги ишбилиармонлик мухити сифат кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг эгаллаган ўрни<sup>25</sup> [112]

Кўрсаткичлар	DB-2017	DB-2016	DB-2015	Рейтингдаги ўзгариш	
				2017 йилда 2016 йилга нисбатан	2016 йилда 2015 йилга нисбатан
Бизнесни юритишнинг умумий рейтинги	87	87	103	-	+16
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	25	42	64	+17	+22
Қурилиш учун рұхсат олиш	147	151	149	+4	-2
Электр тармоқларига уланиш	83	112	108	+29	-4
Мулкни рўйхатга олиш	75	87	113	+12	+26
Кредитлаш	44	42	105	-2	+63
Миноритар инвесторларни ҳимоялаш	70	88	87	+18	-1
Солиққа тортиш	138	115	117	-23	+2
Халқаро савдо	165	159	158	-6	-1
Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш	38	32	32	-6	-
Тўловга лаёқатсизликни бартараф этиш	77	75	75	-2	-

2017 йил давомида Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали қўйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади.

Дастурда белгилаб берилган тадбирлардан яна бири – мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солища давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш,

<sup>25</sup> Doing Business. Оценка бизнес регулирования. <http://russian.doingbusiness.org/>

нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш ҳисобланади.

Бу борада 2017 йил I чорагида тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада рағбатлантириш ва такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш ва географиясини кенгайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.



**4.12-расм. Ўзбекистоннинг «Doing Business» халқаро рейтингидаги ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирлар.**

Лойиҳада юқоридаги вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 2016 йилнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzасида “Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015

йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади”<sup>26</sup>, деб таъкидлаган эди.

Рейтинг Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий истиқболлар” хужжатида келтирилган маълумотлар асосида ташкил этилган бўлиб, унда жами 13 давлат келтирилган. Ўзбекистоннинг 2014-2017 йиллардаги ўртача иқтисодий ўсиш суръати 7,8% этиб белгиланган. Мамлакат пахта экспорти бўйича дунёда 5-ўринда эканлиги ҳамда табиий газ ва олтин захирасига бой давлат эканлиги таъкидланади<sup>27</sup>.

“Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашсоҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди”<sup>28</sup>.

Бу каби юқори мэрраларни эгаллашни рағбатлантириш ҳамда тегишли шарт-шароитларни таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясига оид Дастурда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 2017 йилнинг II чорагида Ўзбекистоннинг объектив рейтинг кўрсаткичларини эгаллаши ва улардаги мавқеини ошириш учун талаб қилинадиган статистик ва бошқа маълумотларнинг халқаро ҳисоботларда чоп қилинишига доир чекловларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш белгилаб берилган. Мазкур чора-тадбирлар

---

<sup>26</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи. 2016 йил 15 январь. - <http://uza.uz>

<sup>27</sup> Манба: <http://sharh.uz/iqtisodiyot/item/4841-jahom-iqtisodiy-forumi>.

<sup>28</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasи. 2016 йил 15 январь. - <http://uza.uz>

мамлакатимизнинг турли рейтингларда муносиб ўринларни эгаллаши ва уларни мунтазам равишда ошириб бориш имконини беради.

### **Назорат саволлари**

1. “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилнинг маъноси нимани англатади?

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектлари хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (бизнес омбудсман)нинг ваколатлари нималардан иборат?

3. Ҳаракатлар стратегияси Дастурида хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулк обьектларидан самарали фойдаланишни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш мақсадида қандай тартибларни ўрнатиш кўзда тутилган?

4. Жаҳон банкининг «Doing Business» халқаро рейтингида республикамизнинг ўрнини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш орқали қандай натижаларга эришиш назарда тутилган?

#### **4.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва жами вилоятлар таркибида 157 туман ва шаҳарчалардан иборат. Ўзбекистон Республикаси худуди бўйича дунё давлатлари бўйича 55 ўринни, аҳолисининг сони бўйича 39 ўринни эгаллаб турибди.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракат стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” маъruzасида айнан, “... иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани, шунингдек, мамлакатимиз худудларини ривожлантириш бўйича қайси энг муҳим кўрсаткичларни жорий йил биринчи чораги ва биринчи ярим йиллигида бажариш учун нима қилиш керак?” таъкидлаб ўтганлар<sup>29</sup>.

Долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобига худудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устивор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат таркибига кирган ҳар бир вилоят, туманлар маълум объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иктисодиётининг таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, худудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгалиги билан бир-биридан фарқ қиласи. Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида фойдали қазилма минерал хом ашё ресурслари жуда кам, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма минерал хом ашё

---

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi. «Халқ сўзи» Г:// 16.01.2017 й.

ресурсларга бой, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ушбу ресурслар мавжуд ҳудудлар қаторига киради.

Мамлакатимиз ёқилғи энергетик салоҳиятида эса Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент вилоятларининг салоҳияти юқори. Юртимиз аҳолиси ҳам вилоятлар бўйича нотекис жойлашган. Масалан, Андижон вилоятида 1 км<sup>2</sup> га тўғри келадаган аҳоли сони 665 кишини, Навоий вилоятида эса 8,2 кишини ташкил этади. Вилоятлар ва туманларнинг ер-сув ресурслари, иқлим шароитлари ҳам кам бўлсада фарқланади. Ер-сув ресурсларининг сифатида ҳам жиддий тафовутлар мавжуд. Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида табиат билан боғлиқ экологик туризмни ривожлантириш учун жуда қулай имкониятлар мавжуд.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Кўқон каби жаҳон биладиган туристик шаҳарлар мавжуд. Туризм соҳасида деярли барча вилоят ва туманларда имкониятлар мавжуд, аммо юқорида санаб ўтилган ҳудудларда абсолют ва нисбий устунликлар кўпроқ саналади. Яна бир жиддий фарқ ҳудудларда иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва инсонлар учун яшаши учун зарур неъматлар билан таъминлаш имкониятларида ўз аксини топади. Ана шундай мураккаб ҳолат шароитида барча вилоят ва туманларни барқарор ва жадал ривожлантириш, улар ўртасидаги тафовутларни жуда катталашиб кетишига йўл қўймаслик Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг жиддий эътибор берадиган масалалари қаторига киради. Олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар натижасига кўра ҳудудларнинг ривожланишида, уларнинг иқтисодиётининг таркибида жиддий фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида белгилаб берилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари иили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам айнан, вилоят, туман ва

шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устивор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

#### **4.13-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлари иқтисодиётининг таркиби ҳолати таҳлили (2016 йил)**

Министрларноми	ЯИМ (ЯҲМ)	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари	Кишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик	Қурилиш ишлари
Ўзбекистон Республикаси					
Қоғорақа					

Л П О Ф И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И					
А н д и ж о н					
Б у х о р о					
Ж и з з а х					
К а ш к а д а р ё					
Н а в					

о и й					
Н а м а н г а н					
С а м а р к а н д					
С у р х о н д а р ё					
С и р д а р ё					
Т о ш к е н т					
Ф а р ғ о н а					

X o r a z m					
T o s k e n t s h a x r i					

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статитика қўмитаси маълумотлари.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади<sup>30</sup>.

Юқорида жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида Тошкент шаҳри (15,79 %), Тошкент вилояти (10,30 %), Қашқадарё вилояти (7,47 %), Самарқанд вилояти (7,05 %), Фарғона вилояти (6,98), Андижон вилояти (5,65 %), Навоий (5,29%) вилоятлари салмоқли ҳиссага эга. Хоразм, Сирдарё, Жizzах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаларининг улушлари мос равишда 2-3 фоиз атрофида бўлган. Ушбу рақамлар юқоридаги вилоятлар ва туманларнинг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш тўлиқ эмаслигини, ҳудудларда катта имкониятлар ишга тушмай қолаётганлигини кўрсатади.

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» Г.// 08.02.2017 й. №28 (6722).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларда мавжуд салоҳиятдан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобидан худудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устивор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### **4.14-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий қўрсаткичлар (киши, минг сўм) (2016 йил)**

Минтақалар номи	ЯИМ (ЯҲМ)	Санат маҳсулоти	Қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари	Асосий капиталга инвестиациялар	Хизматлар	Чакана савдо
Ўзбекистон Республикаси	<b>6 258,6</b>	<b>3493,7</b>	<b>1520,7</b>	<b>1553,5</b>	<b>2 857,0</b>	<b>2764,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	3 612,7	2394,6	767,2	2067,5	1 616,0	1629,6
Андижон	3 836,5	2662,8	1808,7	641,0	1 727,2	2344,2
Бухоро	5 971,9	3126,9	2435,7	3183,0	2 281,2	30590
Жizzах	3 808,2	1504,1	1872,0	972,2	1 573,4	2258,4
Қашқадарё	4 872,3	3155,5	1288,6	2071,6	1 490,2	2030,4
Навоий	11 271,0	11421,4	2545,6	3035,5	2 903,5	3973,5
Наманган	3 374,2	1298,1	1357,8	899,0	1 488,6	1968,7
Самарқанд	3 886,6	2174,0	1598,2	929,4	1 664,3	2080,3
Сурхондарё	3 764,0	890,0	1706,4	776,3	1 580,9	2441,4
Сирдарё	5 258,7	4367,1	2330,5	1369,5	1 485,4	1909,0
Тошкент	7 300,9	5997,1	1171,4	1354,5	3 000,5	3390,2
Фарғона	3 938,7	2292,3	1140,7	663,9	1 669,1	2165,4
Хоразм	4 026,2	1584,2	1722,0	823,8	1 527,5	1885,4
Тошкент шаҳри	13068,8	9370,4	x	4457,7	11 523,9	7929,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статитика қўмитаси маълумотлари.

Мамлакатнинг барча вилоят ва туманларида мавжуд имкониятларни чуқур ўрганиш, иқтисодиётини илмий, амалий таҳлил этиш асосида вилоят ва туманларда, чекка қишлоқларда ҳам саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат қўрсатиш соҳаларини кенг ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу жараёнинг асосий мақсадларидан бир юртимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган инсонлар учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади.


Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий кўрсаткичларда ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш мамлакат бўйича ўртacha 6 258,6 минг сўмни ташкил этган ҳолда бу кўрсаткич Навоий вилоятида 11 271,0 минг сўмни, Тошкент шаҳрида 13 068,8 минг сўмни ташкил этган. Андижон, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё вилоятларида 4000 минг сўмдан паст бўлган. Кўрсаткичлардаги фарқлар мавжуд ҳолатни чукур таҳлил қилиш асосида вилоятларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқларни сабабларини аниқлаш, имкон даражасида уларни минималлаштирадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини кенгайтиради. Ушбу масалаларни оптимал ечишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида шахсий жавобгарликни оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатнинг барқарор ривожланиши таъминлаб берадиган ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари муҳим ҳисобланади. Бу тармоқлар мамлакат аҳолисининг саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа турдаги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиришда катта аҳамиятга эга. Шуни мамнунийт билан қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти ҳисобланган Тошкент шаҳри бевосита иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий ўсиш тенденциясига эришиб келмоқда.

2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ўтган йиллардаги иқтисодий ўсиш ҳолатига таҳлилий ёндошадиган бўлсак, ўтган 2016 йил январ ҳолатига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида 15,6 фоизни ташкил этмоқда.

2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастури доирасидаги вазифаларни бажарилиш ҳолати бўйича маълумотларга таҳлилий назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудий экспорт ҳажмида саноат маҳсулотлари 297,1 млн.доллар ёки 23 фоизни, мева-савбзавот маҳсулотлари 421,1 млн.долларни

ёки 33 % ни ҳамда хизматлар экспорти эса 575,0 млн.долларни ташкил этган. Худудий экспорт ҳажмида хизматлар экспортнинг улуши юқори бўлмоқда, бу эса ўз-ўзидан аёнки, Тошкент шаҳри асосан барча ҳудудлар учун бевосита экспорт хизматини кўрсатиб келаётганлиги билан юқори тенденциясига эга бўлмоқда.



**4.12 расм. 2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастири доирасидаги вазифаларни бажарилиши<sup>31</sup>.**

2016 йил январ ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 55129 та юридик шахслар фаолият юритаётган бўлиб, шу жумладан саноат корхоналари 12313 та, кичик бизнес субъектлари сони 47250 тани, қўшма корхоналар сони 3385 тани ташкил этмоқда. Тошкент шаҳрининг деярли барча туманларида бозор инфратузилма обеъктларининг тўлиқ ташкил этилганлиги ва комунал ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг узлуксиз ишлаши, айнан ушбу ҳудудда кичик бизнес субъектлари учун қулай инвестицион ва инновацион муҳитнинг шаклланганлиги натижасида ривожланиш даражаси ўсиб бормоқда.

Ҳудуднинг бошқа туманлари каби Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопаркларини ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Тошкентнинг Яшнобод ва Олмазор туманларида махсус инновацион технопарклар яратиш режалаштирилган. Яшнобод туманидаги технопарк материалшунослик, электрон асбоб ва контроллерлар, озуқа ва

<sup>31</sup> Манба: 2016 йилда Тошкент шаҳар ҳудудий экспорт Дастири доирасидаги вазифалар.

биологик фаол қўшимчалар, дори воситалари соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ва кичик инновацион ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида барпо этилиши белгилаб олинди.

Олмазор туманидаги технопарк металларни қайта ишлаш технологияси, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари ва электрон ўлчов асбоблари, робототехника, машинасозлик ва электроникани ривожлантиришга хизмат қиласи.

Инновацион тадқиқотлар ўтказиш, ички ва ташқи бозорда талабгир юқори технологияли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етакчи саноат ва кичик инновацион корхоналар ташкил этиш уларнинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари, улар замонавий хориж технологияларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга жорий этиш, ушбу мақсад учун юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этишга қодир маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш билан ҳам шуғулланади<sup>32</sup>.

Технопарклар зиммасига илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш учун олий таълим муассасалари, академик фанлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро узвий алоқани йўлга қўйиш, ушбу мақсадда олимлар, юқори малакали мутахассислар, амалиётчилар ҳамда талабаларни жалб этиш вазифаси ҳам юқлатилган. Технопарк қатнашчилари ер солиги, даромад солиги, юридик шахсларнинг мулк солиги, ижтимоий инфраструктурани ободонлаштириш ва ривожлантириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

-жадвал

**2017-2020 йилларда Тошкент шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари бажарилишига эришиш истиқболлари**

<u>Кўрсаткичлар</u>		ҳисобот	баҳо	прогноз
---------------------	--	---------	------	---------

<sup>32</sup> www. sputnik.uz-сайти маълумотлари асосида. 2017 йил 17 январ.

	<b>Үлчөв бүрлиги</b>	<b>2014</b>	<b>2015</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
Ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ)	млрд. сўм	21812,1	26648,7	29233,6	32127,8	35372,7	396,0	434,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	111,8	111,6	109,7	109,9	110,1	110,3	110,5
<b>ЯХМ таркиби:</b>								
Тармоқларда яратилган ялпи кўшилган қиймат (ЯҚҚ)	%	86,6	85,5	85,6	85,8	86,0	86,2	86,4
Маҳсулот ва экспорт- импорт операциялари- дан олинган соғ солиқлар	%	13,4	14,5	14,4	14,2	14	13,8	13,6
Тармоқларда яратилган ЯҚҚ таркиби	%	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат (шу жумладан қурилиш)	%	38,3	36,0	36,1	36,6	37,1	37,6	38,1
Саноат	%	29,9	29,7	30,0	30,6	31,2	31,8	32,4
Курилиш	%	8,4	6,3	6,1	6,0	5,9	5,8	5,7
Хизматлар	%	61,7	64	63,9	63,4	62,9	62,4	61,9
Савдо, яшаш ва озиқ- овқат бўйича хизматлар	%	18,6	16,2	16,3	16,4	16,5	16,6	16,7
Ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа	%	18,1	15,3	15,4	15,5	15,6	15,7	15,8
Қолган хизматлар тури	%	25,0	32,5	32,2	31,5	30,8	30,1	29,4

Изоҳ: 2016 йилда Тошкент шаҳар худудий экспорт Дастури доирасидаги вазифалар бўйича 2016-2020 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган.

Манба: Тошкент шаҳар ҳокимияти маълумотлари асосида.

Инновацион технопарклар хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожида аҳамиятли томони шундаки, айнан ушбу соҳа вакиллари томонидан янги фикрлар ташаббуси натижасида инновацион ишланмаларни жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилишда устивор аҳамиятга эга.

Республикамиз иқтисодий тармоқларида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2014-2015

йиллар оралиғида ялпи ҳудудий саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари камайиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу қўрсаткич 2014 йилдаги 111,8 %дан, 2015 йилда 111,6 % гача камайди (3.5.3-жадвал). Деярли бу пасайиш динамикаси асосан саноат тармоқлари ҳисобига юзага келган.

Шиддатли рақобат муҳити шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида рўй берәётган ўзгаришлар айнан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тез фурсатларда янги инновацион технологияларнинг кириб келиши ва ривожланиши, меҳнат бозори, товар ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши, ҳар бир фаолият юритувчи хўжалик субъектидан ишлаб чиқаришни таркибан янгилаш, модернизация қилиш, тармоқларда диверсификацияни тўғри амалга оширган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Дунё амалиётида ўзини оқлаган бошқарув усусларини ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришни тақозо этмоқда.

-жадвал

### **Навоий вилоятида асосий хомашё ресурсларини қазиб олиш прогнозлари (минг тонна)<sup>33</sup>**

	<b>Минерал хомашё тури</b>		<b>2016 йил</b>	<b>прогноз</b>		
				<b>2017</b>		<b>2020</b>

<sup>33</sup> Манба: Навоий вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида. 25.07. 2016 йил.

Т/р	Төгөн хомашёларни қазиб олиш	2015 йил факт	баҳо	йил	2018 йил	2019 йил	йил
1.	Базальт	0,6	0,6	0,7	0,7	0,7	0,8
2.	Бентонитли гил	22,1	23,2	24,3	25,5	26,8	28,1
3.	Гранит	0,3	0,5	0,5	0,6	0,6	0,7
4.	Кварц жиласи	0,0	3,7	3,9	4,1	4,3	4,5
5.	Кварцли қум	87,7	53,7	53,8	53,9	54,0	54,1
6.	Гипс	238,6	222,2	221,6	221,6	221,6	221,6
7.	Диабаз	117,7	967,8	934,4	942,7	929,9	904,0
8.	Лёссимон жинслар	10,4	10,9	11,5	12,0	12,6	13,3
9.	Мармар	22,9	25,0	26,5	28,0	29,7	31,5
10.	Мармарлашган оҳактош	0,0	0,1	0,6	0,7	0,7	0,7
11.	Минерал туз	46,3	52,9	55,4	57,9	60,6	63,4
12.	Оҳактош	441,1	5 06,4	4 983,4	5 30,4	5 85,5	5 185,1
13.	Сланец	302,1	365,4	354,9	365,0	363,5	354,6
14.	Табий қум	35,4	37,2	39,0	41,0	43,0	45,2
15.	Туффит	0,0	123,3	203,0	217,5	232,0	246,5
16.	Фосфорит рудаси	1 47,2	1 47,2	3 100,5	3 00,5	3 00,8	6 000,2

Манба: Навоий вилоятини 2017-2020 йилларда комплекс ривожлантириш дастурида белгилаб ўтилган кўрсаткичлар асосида келтирилган.

Навоий вилояти саноатлашган ҳудудлардан бири бўлиб, айнан “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан ҳудуд эркин индустриал-иқтисодий зона айлантирилди.<sup>34</sup> Ушбу Фармон ижроси юзасидан а янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва замонавий корхоналар бунёд этилди ҳамда хорижий инвесторларга солиқ ва бож тўловлари бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган имтиёзлар белгилаб берилди. Хорижий инвесторларнинг ҳудудга қизиқиши йиллар ўтган сари ортиб бормоқда ва бунинг натижасида ҳудудда йирик логистика марказлари ташкил этилди ҳамда қўшма корхоналар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Ҳудуд табиий ва минерал хомашё ресурсларига бой бўлганлиги билан бошқа  
Х  
У  
Д \_\_\_\_\_

У <sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона дашкил этиш тўғрисида” Фармони. 04.12.2008.

ёндошадиган бўлсак, 2017-2020 йиллар давомида айнан саноат ва қурилиш соҳалари учун зарур бўлган минерал хомашё ресурсларини қазиб олиш ва ҳажми ортиб бориши жадвалда ўз аксини топган. 2017-2020 йилларда Нурота туманида ҳам “Zafar granite mining” ҚҚ томонидан гранит тошни қайта ишлаб, бардюр ва зина ишлаб чиқариш, лойиҳа қиймати 1,2 млрд. сўм лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

“Шу мақсадда кимё саноатини, рангли ва нодир металлар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга қаратилган 8 та маҳсус дастур қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Яқин беш йилда умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширамиз. Бу чоралар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича дастурни ишлаб чиқиш якунига етказилди”<sup>35</sup>. Албатта, бу каби дастурларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналарни аамияти катта.

Шунингдек, 2012 йил 13 декабрдаги “Ангрен маҳсус индустрисал зонани барпо этиш тўғрисида” ги, 2013 йил 18 марта “Жиззах маҳсус индустрисал зонасини барпо этиш тўғрисида” ги, 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда 2017 йил 12 январь ПФ-4931-сонли “«Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари худудларда ишлаб чиқаришни янги босқичга ўтишига муҳим пойдевор қўйди.

2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

---

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан.

тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бевосита худудларда хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштиришга тўртки бўлди<sup>36</sup>.

Шунингдек, худудлардаги маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантиришга замин яратади.

Худудларда янги кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларининг самарадорлигини ошириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ошишига, аҳолининг бандлиги ортишига эришилади.

Худудларда кичик саноат зоналарига уларнинг ихтисослашуви натижасида ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш яхшиланади, худуднинг ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ихтисослашувидан келиб чиқиб жойлаштириш механизмини такомиллаштиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида қўйидагиларга “...чуқур таҳлиллар асосида ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусият ва имкониятлари, талаб ва

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. 26.10. 2016 йил. ПФ-4853-сон.

эҳтиёжларини инобатга олган, ҳар бир маҳаллани назарда тутган ҳолда, 2017–2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш дастурлари қабул қилинади. Бу дастурларни амалга ошириш натижасида субвенция оладиган 81 та туман молиявий жиҳатдан ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси сезиларли равишда камаяди” тўхталиб ўтганлар.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилган талаблардан келиб чиқиб, тармоқлар ва хўжалик бирлашмалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, биринчи навбатда, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда амалга ошириш учун қўйидаги йўналишларда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиши долзарб масала сифатида белгиланган. Вилоят ва туманларда енгил саноатда 85 та, чармпойабзал соҳасида 31 та, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 16 та, озиқ-овқат саноатида 78 та, фармацевтика соҳасида 18 та, электротехника саноатида 17 та лойиҳаларни амалга ошириш муҳим вазифаси қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича “**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**”да белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, ҳудудларда аҳолининг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эришишга, ҳудудий корхоналар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга, ҳудудий рақобатдош ва халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ихтисослашувини тўғри ташкил этиш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишга, ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан оқилона

фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга, ҳудудлардаги мавжуд минерал-хомашё ресурслари имкониятларини түғри баҳолаш ва қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш борасида тежамкор технологияларни жорий қилишга, ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш механизмини янада такомиллаштириш ва ишлаб чықаришнинг түлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шакллантиришишга, ҳудудларда кичик саноат зоналари ҳудудида янги инвестициявий лойихаларни амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтиришга, ҳудудларнинг туристик имкониятларини қайта күриб чиқиш ва хорижий тажрибаларга таянган ҳолда янги ҳамда замонавий ёшларбоп туристик зоналарни бунёд этиш, ички туризмни ривожлантириш борасида Давлат дастурларини кенг жорий қилишга, ҳудудларда қишлоқ хўжалигини устивор ривожлантириш асосида саноатни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга ва аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга, ҳудудлардаги меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашга эришишга хизмат қиласи.

## **Назорат саволлари**

1. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш механизми нимадан иборат?
2. Ҳудуднинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун табиий, минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланишда қайси омилларга эътибор қаратилади?
3. Ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни ривожлантиришдан қўзланган мақсад нима?
4. Ҳудудлар саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш деганда нимани тушунасиз, изоҳлаб беринг?

5. Ҳудудларда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига нима яратилади, изоҳлаб беринг?

6. Ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил қилиш қайси меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади?

7. Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш масаласини изоҳлаб беринг.

8. 2016 йилда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидағи ўсиш суръатлари қандай даражада бўлди?

9. 2016 йилда мамлакатимизда қандай дастурлар қабул қилинди? Уларнинг мазмунини қисқача изоҳлаб беринг.

10. Мамлакатимизда қайси тармоқларни тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида тўғридан-тўғри давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилди?

11. 2016 йилда тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?

12. Ҳудудларда саноат тармоқларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?

13. 2015–2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт и

Ҳудудий корхоналар маҳсулотининг жаҳон бозоридаги фақобатбардошлилигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Ҳудудий корхоналар экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

т

у

з

и

л

м

а

с

## **5-боб. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 5.1. Иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар**
- 5.2. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносаб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш**
- 5.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш**

## **5.1. Иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар**

2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга teng 76 мингта лойиха амалга оширилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, 2018 йилнинг январ-ноябр ойларида республика корхоналарида 198,8 трлн.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушби ўсиш суръатларининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,0 % га, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашнинг – 26,8 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 3,4 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 20,5 % га ўсганлиги ҳисобланади. Бу 2016 йилга нисбатан 112,0 % кўпдир.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми ўртacha 2018 йил январ-ноябр ойларида 6,0 млн.сўмга етди. Хусусан, истеъмол товарларининг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши - 38,1 % ни ташкил этиб, аҳоли жон бошига ўртacha 2,3 млн.сўмга тўғри келди. Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 34,9 % ни ташкил этди.

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йилнинг январ-ноябр ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 31,7 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 15,9 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январ-ноябр ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари маҳсулотлари ҳажми 152,5 трлн.сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,6 % ни, ўрта-юқори технологияли - 29,0 % , ўрта-қўйи технологияли - 30,0 % ва қўйи технологияли - 39,4 % ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳаси 18,7 % ни ташкил этгани ҳолда тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш 13,7 % ни, озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш 13,6 % ни, металургия саноати 11,3 % ни ва кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш 8,5 % ни ташкил этди. Технологик жиҳозларни капитал таъмирлаш ишлари кимё корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини берди. Шунингдек, аграр соҳага етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳам республика бўйича ўрта ва юқори технологияли ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ошишига имкон берди. Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 75,7 трлн.сўмни ташкил этди. 2018 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 80,0 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 40,2 % гача ошди.

2018 йилнинг январ-ноябр ойларида республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини ўсишига қўшма корхоналарнинг қўшган ҳиссаси 10,7% ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни имконини берди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,5 % га ошиши таъминлади.<sup>37</sup>

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси саноат статистикаси бошқармаси маълумотлари

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига саноат билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Агар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 59 327,1 млрд.сўмни, шу жумладан дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 58 91 млрд.сўмни, ўрмон хўжалиги – 100,5 млрд.сўмни, балиқ хўжалиги – 238,5 млрд.сўмни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,9 %и – дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,9 %и – фермер хўжаликларига, 2,2 %и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келди.

2018 йилнинг январ-сентябр ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳажми 33 340,1 млрд. сўмни, улуши эса 57,3 %ни ташкил қилди.

2018 йилнинг январ – сентябр ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 6 124,1 минг тонна (90,8 %) дон ишлаб чиқарилди, 2 410,7 минг тонна картошка етиштирилди, 8 661,4 минг тонна сабзавотлар, 1 607,2 минг тонна озиқбоп полиз, 2 090,0 минг тонна мевалар ва резаворлар, 1 313,6 минг тонна узум йиғиб олинди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,7 %ни ташкил этди. 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 1 788,8 минг тонна гўшт, 7 830,1 минг тонна сут, 5 368,2 млн.дона тухум, 30,2 минг тонна жун ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 408,8 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 462,3 минг бошга, қўй ва эчкилар – 21 087,8 минг бошга, паррандалар – 75 683,3 минг бошга

етди.<sup>38)</sup>

Ўзбекистонда қурилиш фаолияти инвестиция киритилишининг жозибадор йўналишларидан бири ва иқтисодиётининг аҳамиятли тармоғи ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам мазкур давр мобайнида Ўзбекистон Республикасида жами 39315,8 млрд.сўм қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, ўсиш суръати 106,6 %ни ташкил этди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 77,1 %ни ташкил этди.

Қурилиш ишларининг энг юқори ўсиш суръати Навоий вилоятида кузатилди. Бунга “Ауминзо-Амантай” конида олтин-маъданли рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича конларни қуриш (ГМЗ-5) (И-ИИ босқич), “Амударё-Зарафшон” сув ўтказгичининг 3-бўғинини қуриш, насос станцияларини реконструкция қилиш ҳамда “Кўкпатас” ва “Даугизтау” конларида олтинни ажратиб олиш технологияларини такомиллаштириш сабаб бўлди. Шунингдек, бу соҳа ривожига Тошкент вилоятидаги йирик қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг ошиши, яъни Бўстонлиқ туманида ГЭС, ҳамда ҳарбий шаҳарча қурилиши бўйича қурилиш ишлари янги автомобил йўллари қурилиши, капитал ва жорий таъмирланиши ҳам таъсир кўрсатди. Тошкент шаҳри бу борада юқори ўсиш суръатига эришди ва бу “Юнусобод” ва “Сирғали” метро линияларининг қурилиши, Тошкент шаҳар ҳалқа йўлида электро поездлар учун темир йўл қурилиши, “Ангрен-Поп” темир йўл линияларида тўсиқлар ўрнатилиши, “Миллий боғ” дам олиш масканини Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси боғига реконструкция қилиш каби бажарилган қурилиш

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси маълумотлари

ишлари натижасида юзага келди<sup>39</sup>.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. 2018 йил январ-ноябр ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 132733,7 млрд. сўмга тенг бўлди. Бунда бозор хизматлари ҳажмининг ўсишига транспорт хизматлари (4,2 трлн. сўмга), савдо хизматлари (3,5 трлн. сўмга), молиявий хизматлар (2,1 трлн. сўмга) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш (0,8 трлн. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ошиши асосий омиллардан ҳисобланади.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (127,0 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (126,8 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (116,4 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (114,6 %), таълим соҳасидаги хизматлар (109,5 %) каби хизмат турларида қайд этилди.

Ўзбекистоннинг геостратегик жозибадорлигининг энг муҳим омили транспорт коммуникацияларини ривожланган тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатнинг транспорт тизими ички ташиш эҳтиёжларини тўлиқ қондиради. Мавжуд темир йўл ва автотранспорт коммуникациялари тармоғи республиканинг энг чекка худудлари ва аҳоли пунктларини ўзаро ишончли тарзда боғлайди, халқаро транспорт тизимларига чиқиши таъминлайди, шунингдек мамлакат табиий ва минерал-хом ашё ресурсларининг асосий манбаларига кенг йўл очиб беради. Ўзбекистон халқаро авиация алоқаларини ривожлантириш борасида ҳам қулай жойлашган. Европа ва Шарқий Осиё ўртасида жойлашган республикамиз юк ва йўловчиларни транзит ҳаво йўли ташишларини таъминловчи жуда истиқболли халқаро транспорт маркази сифатида хизмат қилиши мумкин. Транспорт хизматлари таркибида етакчи ўринни автомобил транспортида кўрсатилган хизматлар (49,2 %) эгаллайди. 2018 йил январ-ноябр ойларида

---

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси маълумотлари

кувурлар орқали ташиш хизматларининг улуши 17,6 % ни ташкил этди. Темир йўл транспорти орқали кўрсатилган хизматлар транспорт хизматлари умумий ҳажмида 13,7 % ни эгаллайди.

Юк ва йўловчиларни ҳаво транспортида ташиш бўйича хизматлар улуши транспорт хизматлари умумий ҳажмининг 11,5 % ни ташкил этади. Ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши транспорт хизматлари умумий ҳажмида 8,0 % га етди.

Ҳозирги вақтда савдо соҳаси истеъмолчиларнинг бозор талабини шакллантириш жараёнида фаол иштирокчи ҳисобланади. Бугунги кунда савдо хизматлари мамлакат иқтисодиётида кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмининг сезиларли қисмини ташкил этади. Республикада замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда чакана савдо тармоқлари фаол ривожланмоқда. 2018 йил январ-ноябр ойларида хизматлар соҳасининг ривожланишида савдо хизматлари ҳажми 35804,9 млрд. сўмга teng бўлди. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 27,0 % ни ташкил этди.

Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 67,8 % ни ташкил этади.

Замонавий бизнес юритиш учун ҳозирги замон инфратузилмасидан фойдаланиш зарур талаблардан ҳисобланади. Замонавий ташкилотнинг мажбурий хусусияти - йирик бозорлар, Интернет-тижорат, хом-ашё, компонентлар ва технологияларни излаш, реклама ва маркетинг фаолияти, жараён ва технологияларни тизимли бошқариш, шунингдек, рақамли тизимларга хизмат кўрсатиш бўйича маҳсус маълумотлар базалари ҳисобланади. 2018 йил январ-ноябр ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 16,4 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (симли ва мобил алоқа хизматлари, Интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) катта қисмни эгаллаб, унинг улуши 85,0 % ни ташкил этади.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида сұғурта ва нафақа таъминоти бүйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар (89,0 %) катта салмоққа эгадир<sup>40</sup>.

## **5.2. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш**

Ўзбекистон ривожланишининг асосий мақсади – аҳоли турмуш даражасини оширишга, жамиятни ижтимоий барқарорлигини, иқтисодий ривожланишини, тинчлигини таъминлаш, инсон соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун давлат кучли ижтимоий сиёсат олиб бормоқда.

Шуларни инобатта олганда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясининг<sup>41</sup> дастлабки босқичларидан аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда ҳаёти сифатини таъминлаш юзасидан катта яратувчилик ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда Давлат бюджетининг 60 фоизидан ортиғи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Бу аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаёт сифати даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисининг янги шинам уй-жойлар билан таъминлаш амалга оширилмоқда. Аҳоли даромадлари кўпайиши эса уларнинг ҳаёт фаровонлигини кўтаришга асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга мурожаатномасида таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини юксалтиришдек олий мақсад йўлида ўтган 2018 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар микдори аввалги йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси маълумотлари

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ЎЗР Конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тадбирлар туфайли, аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

“Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди.

2018 йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган кисми хисобидан худудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса 32 баробарга кўпdir. Бу албатта халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қиласди.

Ўтган 2018 йилнинг яна бир муҳим жиҳати, барчамиз учун муқаддас Ватан тимсоли бўлган қишлоқларимиз, маҳаллаларимизни обод қилиш бўйича улкан ишлар бошланган йил бўлди. Хусусан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. 2018 йилда бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Натижада мамлакатимизда 416 та қишлоқ янгича қиёфага эга бўлди.

Президентимиз мурожаатномасида “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi – бизнинг бош мақсадимиздир” деб таъкидланган. Шуларни ҳисобга олганда ушбу йўналишда давлатимизда янада улкан вазифалар амалга оширилади. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, ўрта ва олий ўқув юртларининг моддий-техник базаси, илмий ва ўқув жараёнлари сифати тубдан яхшиланиши керак.

Қўйилган мақсадларга эришиш – Президентимиз кўрсатганидек, – халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳаётий муҳим масаладир. Шунингдек, мамлакатимизда

ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, қўмакка муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазифа бўлиб қолади.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда 2019 йилда тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ижтимоий соҳада ҳам салмоқли ишлар амалга оширилади.

Шуларнинг барчаси ҳисобга олиниб, 2018 йилда бошлаган ишларни мантикий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, янги – 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилди.

Янги 2019 – йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этади. Шуни ҳисобга олиб мамлакатимизда урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилади. Бу борада фақат пойтахт ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларни эмас, аввало, худудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш давлатимиз раҳбарлари эътибори марказида туради.

Қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурларидан босқичма-босқич шаҳар ва посёлкаларда кўп қаватли уйлар қуришга ўтилади. Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳам уй-жойларни қуриш дастурлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши кўзда тутилади. Шу билан бирга, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун маҳсус жамғарма тузилади. Бинолар ва иншоотлар жойлашган ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ана шу жамғармада тўпланади. Бу янги тизим орқали Ўзбекистон худудлари қиёфасини янада обод қилишга ва аҳоли фаровонлигини оширишга эришилади.

Мамлакатимизда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартиби қайта қўриб чиқилади. Ходимларнинг иш ҳақи миқдорини ягона тариф сеткаси

бўйича тариф коэффициентини ошириш ҳисобига кўпайтириш; пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ягона тариф сеткаси бўйича тариф коэффициентларини ошириш кўрсаткичидан келиб чиқиб кўпайтириш назарда тутилган.

2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун қуидаги вазифалар амалга оширилади.

Биринчидан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оиласаларнинг даромадини ошириш. Бунинг учун бандликка кўмаклашишнинг янги давлат дастурини тасдиқланади. Бу борада ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усусларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

Иккинчидан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ти Қонунининг янги таҳрири ишлаб чиқилади. Бизнинг фикримизча, бу қонун аҳолини ўзини – ўзи иш билан банд қилишнинг замонавий ва самарали шакллари, жумладан масофавий меҳнат ва шу каби бошқа фаолият турларини кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш учун асос бўлади.

Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини ошириш зарур. Бу йўналишда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқилади. Солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам берилади.

Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилади ва Меҳнат кодексида бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар; ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби, ходим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган қоидалар ўз ифодасини

топади. Мехнат кодексида Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар назарда тутилади. Меҳнат қонунчилигидаги бундай ўзгаришлар, бизнинг фикримизча аҳолини эркин меҳнат фаолиятини олиб боришга ва меҳнатга муносиб ҳақ олишга кенг йўл очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мурожаатномасида Марказий банк,

**Натижада:** мухандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси комплекси билан биргаликда янги лойиҳалар асосида арzon уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларда яшовчи 60-65 минг аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлашга эришилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри раҳбарларига 2019 йилда турмуш шароити оғир бўлган 1 минг 600 нафар хотин-қизларни имтиёзли кредитлар асосида арzon уй-жойлар билан таъминлаш вазифаси топширилган.

Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб тураржой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш доимо ҳукумат эътиборида бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда 2019 йилда ҳам арzon уй-жойлар қуриш дастури изчил давом эттирилади.

Намунавий уйларнинг лойиҳаларини такомиллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш, замонавий ва арzon қурилиш материалларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш назарда тутилган. Бунда қурилаётган уй-жойларнинг ички ва ташқи конструкциялари, қурилиш материалларини мақбул, арzon ва сифатли қурилиш материалларига ўзгартириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларга имтиёз ва преференциялар бериш орқали қурилиш материаллари таннархи мақбуллаштирилади ҳамда 2 сотихли 2 ва 3 хонали уй-жойларни массивнинг бош режасида жойлаштиришда хўжалик йўлини қайта кўриб чиқиши орқали нархлар оптималлаштирилади.

Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун 15000дан ортиқ арzon уй-жойлар қурилади. Шаҳарларда эса 355 та кўп қаватли уйлар қурилади.

Айни пайтда юртимиздаги 34 мингдан ортиқ күп қаватли уйларнинг аниқ ҳолатини яна бир бор ўрганиб, бу масала бўйича амалий чоралар кўриш мўлжалланган. Хусусан, хукумат зиммасига дунёдаги йирик мегаполисларнинг уй-жой фондини бошқариш борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда, реновация дастурини, яъни, эскириб қолган кўп қаватли уйлар ўрнида энг замонавий шароитга эга бўлган янги уйлар қуриш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Президентимиз мурожаатномасида “коммунал хўжалик соҳаси узоқ йиллардан буён кўплаб эътиrozларга сабаб бўлмоқда” деб алоҳида таъкидланган. Шуни эътиборга олиб мурожаатномада 2019 йилдан бошлаб тармоқда давлат-хусусий шериклик бўйича инвесторлар билан ҳамкорликда ишлар бошланиши таъкидланган. Бу коммунал хўжалик соҳасида хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга кенг йўл очиб беради. Ҳозирги босқичда коммунал хўжалик маъмурий тизимида харажатлар доимо юқори ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиб уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарурлиги белгиланган. Бу тадбир ушбу соҳада аҳолини сифатли коммунал хизматлари олиш имкониятини кенгайтиради ва 2019 йилда аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ҳозирги 65 фоиздан 75 фоизга етказиш имкониятини яратади. Шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамаси мурожаатномада таъкидланганидек, икки ой муддатда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бунда 200 та ичимлик суви ва 24 та оқава сув тармоғини ривожлантириш лойиҳалари доирасида 879,4 км ичимлик суви ва 57,6 км оқова сув тармоқларини ҳамда 134 та ичимлик суви ҳамда 3 та оқова иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш кўзда тутилган. Шу билан бирга халқаро молия институтлари иштирокида 4 та ичимлик суви ва 3 та оқава сув тармоғини ривожлантириш лойиҳалари доирасида 98 км магистрал, 487 км

ичимлик суви ва 93 км оқова тармоқларини ҳамда 18 та ичимлик сув ва 6 та оқова иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивлар аҳоли учун сифатли яшаш шароитлари ва қулайликлар яратиш мақсадида ичимлик суви, электр ва табиий газ тармоқлари, ички йўллар ва бозор инфратузилмаси объектлари билан тъминланади.

Жаҳон банки иштирокида Сирдарё, Бухоро вилоятлари туманларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаси ҳамда Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Осиё тараққиёт банки иштирокида Фарғона, Марғилон ва Жиззах шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш ҳамда Тошкент шаҳар ва туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш давом эттирилади. Шунингдек, ОПЕК ва Саудия тараққиёт жамғармаси иштирокида Самарқанд вилояти Кўшработ тумани қишлоқ аҳолиси ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда Ислом тараққиёт банки иштирокида Сирдарё вилояти Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарлари канализация тизимини реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Мамлакатимизда аҳолига муносиб меҳнат ва яшаш шароитига хизмат қилувчи биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган ташкилий-иктисодий комплекс тадбирларни ўз ичига олган стратегик дастур тасдиқланади. Унда флора ва фауна турларини сақлашни барқарорлаштириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-2028 йилларга мўлжалланган майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ишлаб чиқилади ва унда майший чиқиндиларни утилизация қилишни бошқаруви бўйича узоқ муддатга мўлжалланган ташкилий-иктисодий тадбирларни ўз ичига олган дастур тасдиқланади. Дастурда қаттиқ майший чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, майший чиқиндилар ҳосил бўлиши

жараёни ва уларнинг хавфлилигини камайтириш; қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш,

**Натижада:** аҳоли кенг қатламлари, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун янада қулай ва муносиб ижтимоий-майший шарт-шароитлар яратилади. Худудларда ичимлик суви тармоқлари тортилиб, аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланади. Туманлар ва шаҳарларнинг ичимлик суви, канализация тизимлари ривожланади ва модернизация қилинади.

майший чиқиндилар таркибидаги фойдали таркибий қисмларни қайта ишлаш орқали улардан иккиласми хом ашё сифатида фойдаланиш ва майший чиқиндилардан биогаз ва синтез-газ олиш, улардан муқобил энергия сифатида электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ёки майший газ сифатида фойдаланиш назарда тутилади.

Майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш ва “Тоза ҳудуд” ДУК моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудларда 644 та чиқинди йиғиш майдончаси қурилади, 3 623 та контейнер ўрнатилади ва 245 та маҳсус техника харид қилинади.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлар соҳасида Тошкент шаҳрида Амити Университетини (Ҳиндистон) ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси тайёрланади. Унда ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва менежмент йўналишлари бўйича Университет фаолиятини 2019/2020 ўқув йилидан бошлиши режалаштирилган ҳамда университетда халқаро стандартларга мос ўқув режа ва дастурларни жорий қилиш назарда тутилган.

2019 йилда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада яхшиланади, хусусан: республика ҳудудлари бўйича янги автобус йўналишларини ташкил этиш ва йўлга кўйилади; йўловчи ташиш корхоналари томонидан янги автобус сотиб олинади ва қатнови ташкил қилинади.

**Транспорт хизмат лойиҳаларини амалга ошириш натижасида:**

- Аҳолига кўрсатилаётган автотранспорт хизмати сифати оширилиб, янада қулайликлар яратилади.**
- Аҳолига сифатли транспорт хизматлари кўрсатишга эришилади.**
- Транспорт хизматидан олинадиган даромад ҳажмининг 15 фоизга ўсишини таъминлайди.**

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида ҳудудларда автостанциялар қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини амалга ошириш

давом этади. Ушбу тадбирлар учун банк кредитлари, лизинг ва ташувчиларнинг маблағлари, тижорат банклар кредитлари жалб этилади.

Харакатлар стратегиясини амалга ошириш бешта устувор йўналиши дастурига асосан, 2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурига мувофиқ, электр тармоқларини, трансформатор пунктларини қуриш ва реконструкция қилиш давом эттирилади. Ушбу йўналишдаги тадбирларни амалга оширишга “Ўзбекэнерго”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳамда халқаро молия институтлари кредит маблағлари сарфланади. Натижада, Республика худудидаги маҳаллаларда истеъмолчиларнинг электр таъминоти сифати ва ишончлилигини оширишга, авария ҳолатида ўчишлар сонини кескин камайтиришга эришилади.

Республикада замонавий савдо инфратузилмасини яратиш ҳамда туманлар ва шаҳарларнинг архитектура қиёфасини яхшилаш мақсадида республикадаги дехқон (озик-овқат) бозорларини оптималлаштириш ва реконструкция қилиш ҳамда уларнинг худудида замонавий гипермаркет, супермаркет ҳамда минимаркет ташкил этилади. Ушбу тадбирларга тижорат банклари кредитлари

<b>Натижада:</b> аҳолига кўрсатиладиган савдо хизматларини яхшилашга, янги замонавий савдо ташкилотларини яратишга ҳамда дехқон бозорлари фаолиятини тартибга солишга эришилади.
---

ҳамда тадбиркорлар инвестиция маблағлари сарф қилинади.

Аҳоли ва корхоналарга кўмир маҳсулотларини сотиш инфратузилмасини янада ривожлантириш тадбирлари кўзда тутилган. Жумладан «Ўзбеккўмир» АЖ

дистрибуторлик марказларининг кўмир сақлаш масканларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш; ҳар бир кўмир сақлаш омборида брикетлар микдорини йилдан йилга қўпайтириб бориш учун кўмирни брикетлаш усқуналарини ишга тушириш; кўмир конларини очиш ва қазиб олишнинг замонавий технологияларини жорий этиш ҳисобига кўмир қазиб олишни 2022 йилга келиб 11,67 млн. тоннагача қўпайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Ўзбеккўмир» АЖнинг маблағалари ҳамда тижорат банкларининг кредитлари сарфланади. Натижада аҳолининг энергия таъминоти яхшиланади.

Ушбу йўналишда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг ўсиб бораётган маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишини ташкил этишга эришилади. Шу билан бирга, аҳоли маданиятини янада юксалтириш, уларнинг мароқли ҳордик чиқаришига кўмаклашиш, худудларимизни янада обод ва фаровон қилиш, аҳолининг, жумладан, ёш авлоднинг маданий дам олишини таъминлаш, уларни она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уни асраб-авайлашни тарғиб қилиш имкониятлари кенгаяди.

Юқорида изоҳланган ҳолатлар мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни турар уй – жой билан таъминлаш ҳамда инсон манфаатларини руёбга чиқаришда қўйилган муҳим қадам ҳисобланади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қандай ишлар амалга оширилмоқда?
2. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларининг асосий мақсадлари нималардан иборат?
3. Ёшларга муносиб таълим бериш учун қандай ишлар қилинади?
4. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?
5. Шаҳар ва туманларда майший чиқиндиларни йўқ қилиш (утилизация) учун қандай тадбирлар амалга оширилади?
6. Аҳолига турар жойлар қуриш соҳасида қандай ишлар амалга оширилади ва улар натижасида нимага эришилади?

7. Аҳолини ичимлик суви, электр энергияси билан таъминлашни ва транспорт хизматини яхшилашни йўлга қўйиш қандай йўллар билан амалга оширилади ва бунинг натижасида нималарга эришилади?

8. Ўзбекистонда халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш (иш ҳақи, пенсия ва б) учун қандай тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган?

### **5.3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш**

Чорак асрлик мустақил тараққиётимиз даврида мамлакатимизда инсон ҳаётини яхшилаш, унинг қулай турмуш шароитларини яратиш мақсадида ўлкан ишлар амалга оширилди. Демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, бунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг соғлигини кафолатлаш йўналишида жаҳон тажрибаси ва миллий тажрибага асосланган ҳолда яхлит тизим яратилди.

Айни вақтда замон талаби мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, аҳолини ижтимоий ҳимояси, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама, жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “Харакатлар стратегияси”да Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган тизимлашмаган, умумий шаклга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан яхшилаб, тизимли, манзилли характерга эга бўлган ва кўлами бўйича

аҳолининг барча қатламларини ҳар томонлама ҳимоясини ташкил этишга қаратилган такомиллашган тизимни жорий этди ва бугунги кунга келиб аҳолига ижтимоий кафолатларни таъминланмоқда.

Бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилга таққослаганда, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда<sup>42</sup>.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида ижтимоий соҳанинг аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 2010–2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Муруват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кексалар, пенсионер, ногиронларнинг туар жой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Жамиятни демократлашуви жараённида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш учун «Нуроний» жамғармаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ёлғиз кексалар,

---

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2016 йил 9 сентябрь.

пенсионерлар ва ногиронларни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг манзиллигини таъминлаш, кекса ёшдагилар, имконияти чекланган одамлар ва ёлғиз кексаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини қўтаришни, шунингдек жойларда туман ва шаҳарлар аҳолисининг замонавий диагностика ва даволаниш услубларидан фойдаланиш имконларини таъминлайдиган тубдан янги ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта авлод вакилларининг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 28 декабрь куни «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида<sup>43</sup>ти Фармон ва «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида<sup>44</sup>ти Қарорни қабул қилиниши бу борада ислоҳотларнинг янги босқичга кутарилиши бўлди. Мазкур фармон ва қарорда оқсоқоллар, кексалар ва фахрийларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш, жойларда кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёлғиз ва муҳтоҷ кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш, «Нуроний» жамғармаси марказий аппаратининг,

---

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПФ-4906-сон Фармони.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ти ПҚ-2705-сон қарорига. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 10-модда.

унинг вилоят ва туманлардаги бўлинмаларини моддий қўллаб-куватлаш, «Нуронийлар маскани» комплексларини яратиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун 2,8 миллион кекса ёшдаги фуқароларнинг барчаси ихтисослаштирилган тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилишини таъминлаш, биритирилган патронаж ҳамширалари томонидан саломатликлари устидан доимий назорат орқали кекса ёшдаги фуқаролар орасида касалликлар профилактикаси чораларини кенгайтириш, 15,5 минг ёлғиз кексаларнинг турмуш сифатини ва турмуш даражасини уларга шахсий ижтимоий ходимларни биритириш орқали ошириш, кекса ёшдаги шахсларни тўловсиз асосда даволаш ва соғломлаштириш кўзда тўтилган. Шу муносабат билан республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига 20 минг ва вилоятлардаги тиббиёт муассасаларига 215 мингдан зиёд, жами 178,9 миллиард сўм миқдоридаги ордерлар ажратиш кўзда тутилган. Жойлардаги барча тиббиёт бирлашмалари ва муассасаларини, шунингдек барча вилоятлардаги онкология диспансерларини умумий миқдори 108,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тегишли замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, кексалар ва ногиронларнинг 23 та Саховат ва Муруват уй-интернатлари моддий-техника базасини умумий миқдори 207 миллиард сўм ҳажмда мустаҳкамлаш мазкур фармон ва қарор ижросида ўз аксини топди.

Ушбу ишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастурни молиялаштиришга 688,2 миллиард сўм йўналтирилади, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг 108,7 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ва грант маблағларини жалб этиш кўзда тутилган<sup>45</sup>.

Ундан ташқари, 2016 йил 26 декабрда «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳожатманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун кабул қилинди.

---

<sup>45</sup> Кексалар ва ногиронларни қўллаб-куватлаш кучайтирилади. - <https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/29/keksalar>.

Мазкур қонун моҳияти аҳолининг ҳожатманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг умумий талаблари ва асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий ҳимоя соҳаси тизимидағи асосий тушунчаларни белгилашга қаратилган бўлиб, унда ижтимоий хизматларни аниқ ва манзилли амалга ошириш, эҳтиёжманд шахсларга ёрдам кўрсатиш, уларга бошқа фуқаролар билан бир қаторда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини яратиш ва уларнинг одатий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, таълимий, тиббий, реабилитацион ва бошқа чораларни амалга ошириш назарда тутилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд қатламларини ҳимоясини кафолатлаш бугунги кунда республика раҳбарияти олдида турган устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Хусусан, бу жиҳат 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастурида тўла ўз аксини топди.

Дастурда кекса ёшдаги аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш мақсадида 2017 йил давомида «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида кекса ёшдаги фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг қамровли иштирок этиши учун зарур шартшароитлар яратиш, жамият, оиласлар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикини таъминлаш, шунингдек ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини оширишга эришиш назарда тутилди\*. Мазкур тадбирлар учун ижрочи маблағлар

хисобидан 200 млн. сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда<sup>46</sup>.

Мазкур йўналишда кекса авлодни қўллаб-қувватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш борасида иш берувчилар ва касаба уюшмаларининг масъулиятини ошириш назарда тутилмоқда. Хусусан, бунда Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кекса авлод вакилларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш, 14 минг нафар ходимларга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар топшириш, 55 минг нафар ишламайдиган пенсионерларга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) моддий ёрдам бериш кузда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун иш берувчилар маблағлари хисобидан 7 млрд., Касаба уюшмалари маблағлари хисобидан 1 млрд. сўм маблағ йўналтирилмоқда.

“Кекса ёшдаги аҳоли саломатлигини тиклаш ва уларга сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни янада самарали ташкил этиш\* мақсадида 2017 йилда республика худудларидағи ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чораларни амалга оширилмоқда. Шу мақсадда давлат бюджети маблағлари хисобидан жами 49 млрд. 312 млн. сўм маблағ йўналтирилади<sup>47</sup>.

Жорий йилда Ҳаракатлар дастурида ҳақиқатдан эҳтиёжманд ва давлат кўмагига муҳтоҷ бўлган кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш, вақтинчалик яшаш жойи бўйича нафақа, моддий ёрдам тайинлаш тартибини белгилашда қулайликлар назарда тутган ҳолда кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 214 банд.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони – 216 банд.

февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда<sup>48</sup>. Бу ўз ўрнида ижтимоий ҳимояни манзилли равишида ташкил этиш учун хуқукий базани яратилишига хизмат қиласи.

Бундан ташқари, бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини, маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган фуқароларни моддий ва ижтимоий қўллаб-кувватлаш, болалар ва маҳсус муассасаларни витаминлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича маҳсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди<sup>49</sup>. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Соғлом авлод учун» фонди, «Амери Керз» халқаро ташкилоти, «Resource and Policy Exchange» ташкилоти, «TOM's SHOES» ташкилотлари (келишув асосида)хайрия маблағлари ҳисобидан 632 млн. доллар маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Аҳолини ҳимояга муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни соғлигини тиклаш, сифатли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилиши режалаштирилди\*. Айниқса, манзилли, худудларда, чекка жойларда бу борада йирик лойиҳаларни амалга оширилиши эътиборга лойикдир.

2017 йил давомида 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нафақаҳўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа ночор қатламларидан камида 35 минг нафарининг санаторий муассасаларида бепул даволанишини ташкил этиш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 18 млрд. сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Биргина 2017 йилда ногирон шахсларни протез-ортопедия воситалари, реабилитация техника ва ёрдамчи воситалар билан бепул таъминлаш йўли

---

<sup>48</sup> Ўша манба – 217 банд.

<sup>49</sup> Ўша манба – 218 банд.

билин қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятга қайтариш мақсадида реабилитация тадбирларининг самарадорлиги ошириш мақсадида бепул асосда камида 10 минг нафар ногирон ва ёлғиз қарияни протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш режалаштирилган. Бу йўналишда ишларни амалга ошириш учун бюджет ва ижрочи маблағлар ҳисобидан 2,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Мустакиллигимизнинг ilk йилларидан бошлаб, давлатимиз томонидан инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом инсонлар сафини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг омма ўртасида шакллантириш, оиласда тиббий маданиятни ошириш, ҳар бир шахснинг саломатлиги ўз қўлида эканлигини аҳоли ўртасида кенг ташвиқот-тарғибот қилиш, соғлом жамиятни ташкил этишга катта эътибор қаратилган. Бу борада, 1996 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун, 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги 2107-сонли Президент Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда 2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини таъминлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори аҳоли ўртасида соғлом турмуш-тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқароларнинг дам олиш, соғлигини қайта тиклаш, спорт билан шуғулланиш имкониятларини ошириш учун инфраструктурани яхшилаш ва жиҳозлаш учун 2017-2018 йиллар давомида жами 49,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб\*, республика бўйича санаторийлар, ёшлар марказлари, сузиш ҳавзаси, ўйингоҳлар, стадион, маданият ва спорт мажмуаси барпо этилишига йўналтирилмоқда.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларини ўрнатилган тартибда қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 18 млрд. 540,7 млн. сўм маблағ йўналтирилиб, Сурхондарё вилоятида 200 ўринли «Амударё соҳили» оромгоҳини қуриш ишларини якунлаш; Андижон вилоятидаги «Боғишамол» оромгоҳини реконструкция қилиш; Сирдарё вилоятидаги «Сирдарё» оромгоҳини реконструкция қилиш; Навоий вилоятидаги «Ишонч» оромгоҳида сузиш ҳавзасини қуриш<sup>50</sup> ишларини амалга оширилиши, шубҳасиз, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга ҳукumatни эътиборининг амалдаги ифодасидир.

Ундан ташқари, ходимлар ва улар оила аъзоларининг соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш мақсадида касаба уюшмалари тизимидағи «Оқтош» санаторийсида, «Зомин» санаторийсида ётөқ биноларини қуриш; Сурхондарё вилоятидаги «Термиз марвариди» санаторийсини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш; Наманган вилояти «Чодак» қишлоқ фуқаролар йигинида дам олиш уйини қуриш ишларни амалга ошириш учун, йил давомида Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 17 млрд. 810 млн. сўм йўналтирилмоқда. Бунда асосий эътибор хусусан, аёллар ва болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш самарадорлигини оширишга қаратилади.

2016 йил “Соғлом бола – соғлом она йили” давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллионга яқин фарзанд қўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Жумладан, Республика

---

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 241банд.

ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсони бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди<sup>51</sup>.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги изчил ислоҳотлар самарасида “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди<sup>52</sup>. Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистан дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингида мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган 10 та давлат сафидан жой олди. Аҳоли генофондини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбилар натижасида аёлларнинг ўртacha умри 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробар камайди<sup>53</sup>.

---

<sup>51</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>52</sup> Фарзандлари соғлом юрт. [www.xs.uz](http://www.xs.uz)

<sup>53</sup> “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳшида, гўзал Ўзбекистоним!” Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустакил тараққиёт йўлида турли соқаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун услубий қулланма /

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни муқофаза этишга қаратилган муҳим ижтимоий-иктисодий дастурлар қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш асосида она ва бола соғлигини асрар бўйича дунё эътироф этаётган миллий модел яратилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга, оиласарнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама соғлом фарзандларни шакллантириш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилди. Чунончи илк давлат мукофотларидан бири – “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилиши ҳам рамзий маъно касб этди. Республикаизда мустаҳкам оиласада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислоҳотларимиз стратегиясига мос бўлиб, келгусида юртимизда тинчлик-тотувлик ҳамда тараққиётга, ёш оиласарнинг мустаҳкамлигига қўшилган ҳисса бўлади.

Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш халқ манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айнан шу соҳани ривожлантириш, ҳамда комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гурух етакчи мутахассислари билан учрашди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усусларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратди. Тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди.

---

Ўзбекистон Республикаси Президента хузуридаги давлат бошқаруви академияси; Республика маънавият тарғибот маркази; Миллий ғоя ва мағкура илмий-амалий маркази. — Тошкент: «Маънавият», 2014. 126-6.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, оиласвий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти ҳамон қониқарсиз ахволда қолаётганлиги, шифохоналар ва аҳолини доридармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, жумладан, ижтимоий дорихоналар ташкил этиш бўйича берилган топшириқлар ижроси талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишлиган кенгайтирилган мажлисидаги нутқида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд камчилмикларга тўхталиб ўтар экан, Президент Ш. Мирзиёев қишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги пастлиги, бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач этишмаслиги, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст, диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги, тез тиббий ёрдам тизимида жиддий камчиликлар мавжудлиги таъкидланди. Соҳадаги мазкур муаммоларни бартараф этиш учун, қишлоқ врачлик пунктлари, юқори технологиялар асосидаги ихтисослашган марказлар ва тез тиббий ёрдам станциялари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ва тегишли хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, врачлар ва тиббиёт ходимлари малакасини ҳам мамлакатимизда, ҳам етакчи хорижий клиникаларда ошириш бўйича таъсирчан тизим яратишга қаратилган

комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх бўйича сотилишини ташкил этиш ишларига келгусида жиддий эътибор қаратиш таъкидланди<sup>54</sup>. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та маҳсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини бўлган қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида қишлоқ врачлик пунктларнинг мунтазам фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи қўшимча қулайлик яратиш мақсадида уларнинг врачларига иш жойи ёнидаги худудларда уй-жойлар қуриб бериш, қишлоқ врачлик пунктларнинг моддий-техника базасини кучайтириш ҳамда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда<sup>55</sup>.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 214 миллион миқдоридаги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва Олий ўқув юртлари клиникалари етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашга қаратилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг қамровли тиббий кўрик тадбирларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда Республиkanинг чекка туманлари аҳолисини чукурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширилади. Вилоятлар аҳолисини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари шифокорларининг жойларга чиқиб, жарроҳлик амалиётлари ва бошқа тиббий

---

<sup>54</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 233, 235 банд.

хизматлар кўрсатишини ташкил этиш бўйича маҳсус чора-тадбирлар дастурини қабул қилинади. Бу жараёнда эса Республика ихтисослашган тиббиёт марказлари хизматидан фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратилади. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада ошади<sup>56</sup>.

Соғлиқни сақлаш бўйича қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «**Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида**»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси кенгайтирилади ҳамда одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиниши тартиби белгиланади, шунингдек аҳолининг трансплантацияга муҳтож бўлган тоифасига қонуний асослар ва тартибларда шу турдаги тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилади<sup>57</sup>.

“Ҳаракат стратегияси” доирасида 2017-2021 йилларда 220 миллион сўм эвазига ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар учун тиббий-ижтимоий патронаж бригадаларининг кучи билан тоғли, чўл ва бориш қийин бўлган ҳудудларда, шунингдек, алоҳида эътибор талаб этиладиган туманларда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказилади, экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшовчи (Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) аҳоли учун «Саломатлик» поездларини ташкил этилади. Бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини чукур тиббий кўрикдан ўтказиш орқали аҳолининг ижтимоий ҳолатини аниқлаб, соғлом оила шакллантирилади ва аҳолида тиббий саводхонлик маданияти оширилади<sup>58</sup>.

Оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини ошириш, оналар ва янги туғилган чақалоқларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 5,8 миллион АҚШ доллари миқдорида, Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси, «Саломатлик-3» лойиҳаси, бюджет маблағлари

---

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 219 банд.

<sup>57</sup> Ўша манба. – 221 банд.

<sup>58</sup> Ўша манба. – 222 банд.

хисобидан оналар ва болаларга юкори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг 40 та туғруқ бўлимлари негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этиш<sup>59</sup> кўзда тутилмоқда.

Чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёллардаги туғма ва авлоддан-авлодга ўтувчи патологияни эрта аниқлаш орқали соғлом авлод туғилиши учун шартшароитлар яратиш асосида 1 625,8 минг доллар сармоя хисобидан республика скрининг марказида ва унинг ҳудудий филиалларида ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқлар орасида перинатал ва неонатал скрининг ҳамда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида ҳомиладор аёлларнинг оммавий, барвақт перинатал скринингини ўтказиш режалаштирилмоқда<sup>60</sup>.

Бу соҳада ишлар сифатини тубдан яхшилаш мақсадида бугун соғлиқни сақлаш соҳасининг узвий бўғини саналган тиббий-профилактика хизмати жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий тизимга айланмоғи зарур.

Маълумки, мазкур бўғин моҳиятан кенг жамоатчилик орасида касалланишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу мақсадда сурункали касалликларни, жумладан, яширин ва аввал аниқланмаган касалликларни эрта аниқлаш тадбирларини амалга ошириш, кўп тармоқли поликлиникаларнинг 7-9 нафар тор соҳа мутахассислари ва умумий амалиёт шифокорлари томонидан хавф гуруҳига мансуб аҳолини чукурлаштирилган тиббий кўриклар, сурункали касаллиги бор аҳолини йилига 2-6 марта (бемор ҳолатидан келиб чиқиб) тизимли диспансер кўриклари, никоҳга кирувчи шахсларни тиббий кўриклар, 3,6 млн. нафар аҳолини флюорографик кўриклар билан қамраб олиш<sup>61</sup> кўзда тутилмоқда. Аҳолининг профилактик тадбирлар билан қамровини янада кенгайтириш мақсадида ўзгалар парваришига муҳтож, уруш

---

<sup>59</sup> Ўша манба. – 224 банд.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 223 банд . – 225 банд.

<sup>61</sup> Ўша манба. – 228 банд.

ва меҳнат фронти қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган аҳолидан сурункали касалликка чалингандарни жадвал асосида ташкиллаштириладиган «Патронаж ойлиги»да тиббий ходимларнинг фаол қатновлари амалга оширилади.

2017 йил Инвестиция дастури доирасида 519 350 миллион сўм миқдорида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, даволаш-профилактика муассасаси, тугруққа ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари кўзда тутилмоқда<sup>62</sup>.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш борасида 2017-2021 йилларда барча туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари ва оиласвий поликлиникаларни, онкологик муассасаларни, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини, Давлат санитария эпидемиология назорат марказларини, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам марказини, тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари ва республика клиник шифохоналарини ҳамда тўртинчи даражали кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида моддий-техника базасини мустаҳкамланади ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати оширилади<sup>63</sup>.

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-куватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болани замонавий касб-хунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз хотин-қизларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаб, халқаро аёллар ҳаракати ҳамда бошқа нуфузли

---

<sup>62</sup> Ўша манба. – 232 банд.

<sup>63</sup> Ўша манба. – 234 банд.

тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1991 йилда ташкил топган мазкур ташкилот охирги йилларда халқаро майдонда ўз обрў-эътиборини кучайтирди. Айниқса, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қўмита тизимининг яна бир босқич кўтарилишига асос бўлди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оила, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнлаб қонунлар, саксонга яқин Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари хуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлилиги белгилаб қўйилгани уларнинг давлат ҳамда жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, юртимиз равнақи йўлида бор салоҳият ва имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилишларига шароит яратмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз соҳага оид турли конвенция, битим ҳамда шартномаларга қўшилган.

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги фаоллигини янги бир поғонага кўтариш мақсадида 2004 йили Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, сиёсий партиялардан вакиллик органлари ҳамда парламент депутатлигига номзод кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизли квота жорий этилди.

Аёлларнинг 13 нафарига “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, 64 нафарига “Ниҳол” мукофоти берилган бўлса, улар Конституциявий суд тизимида 20 фоизни, Олий суд соҳасида 14,6 фоизни, ишлаб чиқариш тизимида 42,8 фоизни, қишлоқ хўжалигига қарийб 43 фоизни, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 фоизни соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 фоизни ташкил этади.

Булардан ташқари, хотин-қизлар томонидан 300 дан ортиқ докторлик, 3 мингга яқин номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган<sup>64</sup>.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда аёллар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат килаётган аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Соғлом она – соғлом бола» шиори остида анъанавий минтақавий «Аёллар спорт фестивали», «Соғлом авлод учун» қубоги учун сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, гимнастика, бадиий гимнастика, спорт рақси ва гимнастрада каби спорт мусобақалари ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилади<sup>65</sup>.

Аёлларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерацияси томонидан 1500 миллион сўм миқдорида Республиkaning турли ҳудудларида яшовчи 2 минг нафар эҳтиёжманд оила аёллари электр майший техника жиҳозлари бериш йўли билан рағбатлантирилади<sup>66</sup>.

Республикада оиласалар фаровонлигини таъминлаш, оиласалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш мақсадида оиласаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолатини тизимли ўрганишнинг самарали механизмини яратиб, амалиётга татбиқ этиш ҳамда

---

<sup>64</sup> Бетакроримсан, ягонасан, Она ватаним, Ўзбекистоним. Ўзбекистоннинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўлида турли соқаларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланишга мўлжалланган услубий қулланма / Республика маънавият ва маърифат Кенгаши.Т.:”Маънавият”, 2015.134-б.

<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 226 банд.

<sup>66</sup> Ўша манба. – 227 банд

аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий аҳволини доимий ўрганиб бориш, жойлардаги жамоатчилик вакилларига бу борада услугий кўмаклашиш, оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади<sup>67</sup>. Бу борада оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг фарзанд тарбияси борасидаги масъулиятини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда оиланинг тутган ўрнини кўрсатиш ҳамда оила институтининг мавқеини ошириш мақсадида 15 май – «Халқаро оила куни» муносабати билан «Инсон ва оила манфаати – жамият фаровонлиги» номли телемарафон ўтказилади<sup>68</sup>.

Худудларда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиш, оилаларга кириш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, хотин-қизлар, ёшлар ва вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида етук ва масъул мутахассислар томонидан маҳаллаларда сайёр қабуллар ташкил қилиб, зарур хуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилади. Фуқароларнинг майший муаммо ва камчиликлари жойларда ҳал этилади, уларга хуқуқий, психологик ва тиббий ёрдамлар кўрсатилади<sup>69</sup>.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида «Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-куватлаш марказлари фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқилади. Ушбу қарор

---

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 236 банд.

<sup>68</sup> Ўша манба. – 237 банд.

<sup>69</sup> Ўша манба 223-, 238-бандлар.

асосида аҳолининг муаммоли масалаларини ҳал этишнинг самарали тизими яратилади.

Мамлакатимизда аёллар бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар асосида яратилаётган иш ўринлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатингиз эришаётган ютуқлар ҳар қанча эътирофга сазовор, Айниқса, уй меҳнатини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар дикқатга сазовор. Бу, ўз навбатида, аёлларнинг оила моддий фаровонлигига муносиб улуш қўшишларига, шу билан бирга, фарзанд тарбияси билан бевосита шуғулланишларига имкон беради.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арzon дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатиб, улар томонидан 2 мингдан ортиқ турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улар билан аҳоли ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини таъминлаш мақсадида мазкур соҳадаги ишларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари барпо этилди. Йигирмадан ортиқ қонун, бир юз йигирмадан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу йўналишдаги ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арzon ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида Президент Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги<sup>70</sup> ПҚ-2647 қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириш, халқимизни арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш даражасини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат асосида соҳа бўйича мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигига тиббиётда кенг қўлланиладиган 343 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қатъий нархларнинг белгилаш тартиби жорий этилди. Қарорда 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига қўйиладиган устамалар улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилангани аҳолининг барча тоифалари манфаатига хизмат қилмоқда<sup>71</sup>.

Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган 76 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда шифокор рецептисиз бериладиган 1033 турдаги дори-дармон воситалари рўйхати дорихоналарнинг ҳаридорга қулай ва кўринарли жойига илиб қўйилмоқда. Тиббиёт ходимлари ва дорихоналар масъуллари учун амалий семинарлар ташкил этилиб, қарор моҳияти, унда белгиланганд вазифалар тушунтирилмоқда.

Пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

---

<sup>70</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2016 йил 26 декабрь, 51-сон.

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 4947-сонли Фармони. – 223 банд.

Инсонларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, аҳоли соғлигини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доиймий диққат марказида бўлиб келмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида аёллар ва қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ҳамда спортни оммалаштириш, шунингдек кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб чора-тадбирлар ҳам қамраб олингандиги юртимизда "Инсон манфаатлари барча нарсадан устун" тамойилининг амалга оширилишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

## **Назорат саволлари**

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси неchanчи банди “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” деб номланади?

2. Бугунги кунда Давлат бюджетининг неча фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда?

3. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тиббиёт соҳасида мавжуд қайси муаммоларни бартараф этиш режалаштирилмоқда?

4. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш нималарда ўз аксини топади?

5. Республикаизда 2016 йилда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида қандай натижалар қўлга киритилди?

6. Президентимиз 2017 йил 5 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда соғлиқни сақлаш соҳасини, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифасини қўйганди. Ушбу топшириқлар юзасидан

соғлиқни сақлаш тизимида қандай саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда?

7. Болалар саломатлигини сақлашнинг асосий муаммолари нималардан иборат?

8. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва соғломлаштириш масалалари ёш авлод тарбиясида қандай ўрин тутади?

9. Нима учун аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ?

10. Тиббий маданият нима?

11. Ўзбекистон истиқлонининг 25 йил мобайнида фармацевтика соҳасида эришган ютуқлари?

12. Бугунги кунда фармацевтика саноатида қанча корхоналар фаолият юритмоқда?

13. Мамлакатимиз аҳолисини арzon ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар?

14. Ўзбекистонда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш учун ташкил этилиши режалаштирилаётган фармацевтика саноат зоналари ҳақида маълумот беринг?

15. Ижтимоий ҳимоя деганда нимани тушунасиз?

16. Аҳолининг кам таъминланган қатламига қандай тиббий-ижтимоий ҳимоя ёрдамлари кўрсатилмоқда?

17. Бугунги кунда мамлакатимизда пенсия ёшидаги кекса ёшли инсонлар қанча?

18. Пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қандай қарор ва фармонлар қабул қилинди?

19. “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича нима ишлар амалга оширилмоқда?



## **Фойдалинган адабиётлар рўйхати**

1. 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-оммабоп рисола. –Т.:ОЎМТВ, 2017.
2. Квінт В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти: дайжест./ В.Л.Квінт. Тошкент: Тасвир, 2018, -160 б.
3. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Т.:”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. 280 б.
4. Беркинов Б.Б., Каланов Б.З. ва б.Национальная экономика.: учебное пособие.-Т.: ТГЭУ, 2010. 583стр.
5. Албегова И.М., Емцов Р.Г., Холопов А.В. Государственная экономическая политика.-Москва МГУ.Изд.”Дело и сервис”, 1998 -320 б.
6. Харченко Е.В., Вертакова Ю.В. Государственное регулирование национальной экономики: учебное пособие.-М.КНОРУС, 2011. 328с.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2018.-766.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.[www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекитсон Республикаси Президентининг нутқи. //Ҳалқ сўзи газетаси.2017 йил 16 январ, №11.
- 10.Ўзбекистон стратегияси. Таракқиёт стратегияси маркази. Ижтимоий – таҳлил журнали. 2018 й. 1-2-3-сонлари. [www.strategy.uz](http://www.strategy.uz).

11. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. З-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2018.-226 б.
12. Ишмухамедов А.И., Асқарова М.Т. ”Ўзбекистон миллий иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. -Т. ТДИУ,2004.-286 бет.
13. Нуриев Р.Н. Социально-экономический потенциал устойчивого развития. Учебник.”Университетская книга”, 2008, -1120 стр.

### **Интернет сайтлари**

14. www. web of science.com.
15. www. economics. ru.
16. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
17. www .ziyonet. uz.
18. www. market.ing. ru.
19. www. stat .uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

## МАВЗУЛАР БҮЙИЧА ТАҚДИМОТ СЛАЙДЛАРИ

**2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ:**

1. • Давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш;
2. • Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. • Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. • Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. • Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш

9  
fppt.com

**I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1.1. Демократик ислохотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилинча Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириши:

1. • давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакатни ички ва ташқи сиёсатига оид мухим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш;
2. • қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини қабул қилинаётган қонунларни амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-хукук ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда тубдан ошириш;
3. • сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соглом ракобат мухитини шакллантириш.

11  
fppt.com

## I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

- давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайергарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиш;
- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизmlарини жорий этиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишининг замонавий шаклларини жорий этиш;
- «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан ва ахоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

1

fapt.com

## I. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

- 1. • ҳалқ билан самарали мулокот механизмларини жорий этиш;
- 2. • жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;
- 3. • фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;
- 4. • маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;
- 5. • оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг професионал фаолиятини ҳимоя қилиш.

1

fapt.com

## ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ



## II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**2.1. Суд хокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:**

- судьялар ва суд аппарати хозимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- судьяларга гайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл кўймаслик бўйича таъсиричан чоралар кўриш;
- суднинг мустақиллиги ва бегаразлиги, суд процесси томонларининг тортишуви ва тенг хукуқлик тамойилларини хар томонлама татбиқ этиш;
- «Хабеас корпус» институтини кўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш;
- судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш;
- судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

## **II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **2.2. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:**

- фуқароларнинг мурожаатларини уз вактида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишида сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш холатларига йўл қўйғанлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;
- суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш;
- фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш;
- суд хужжатлари ва бошка органлар хужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.



2  
farr.com

## **III. ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**



- 3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юкори иктисолий ўсиш суръатларини саклаб колиш



- 3.2. Таркибий ўзгартирishларни чукурлаштириш, миллӣ иктисолиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш хисобига унинг ракобатбардошлигини ошириш



- 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш

- 3.4. Иктисолиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк хукукини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавкеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривоҷини рағбатлантиришга карашлаган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш



- 3.5. Вилоят, туман ва шахарларни комплекс ва мутаносиб иктиномий-иктисолий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптималь фойдаланиш

2  
farr.com

### **III. ИҚТISODIЁTNI ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ИУНАЛИШЛАРИ**



125-банд: Ўзбекистон Республикаси молия бозорини ўрта муддатли ва узок муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш



138-банд: Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш



143-банд: «2018 — 2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятни ривожлантириш Концепцияси»нин ишлаб чиқиш



170-банд: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги талбиркорлик субъектлари хуқуклари ва конуний мағфаатларини хизоя килиши бўйича вакили (бизнес омбудсман)ни ташкил этиш

189-банд: Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида нисбатан оркада колаётган Нурота, Каттакўргон, Кўшработ, Кизирик, Музработ, Бойвут, Сардоба туманларини комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш

25 2  
5  
ppt.com

### **УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИҚTISODIЁTNI ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ**



**2017-2021  
йиллар: Умуми  
й қиймати 40  
миллиард  
АҚШ доллари  
бўлган 649 та  
инвестиция  
лойиҳаси  
кўзда тутилган**


Натижада кейинги  
5 йилда саноат  
маҳсулотини  
ишлаб чиқариш  
1,5 баравар  
ошиши  
кутилмоқда

Саноатнинг япли  
иёни  
маҳсулотдаги  
утуши 33,6  
фоиздан 36  
фоизгача ошиши  
кутилмоқда

Ялпи ички  
маҳсулотдаги  
қайта ишлаш  
тармоғи улуши  
80 фоиздан 85  
фоизгача  
oshiishi  
кутилмоқда

2  
ppt.com

## УЧИНЧИ УСТУВОР ЙҮНАЛИШ: ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ



## ТҮРТИНЧИ УСТУВОР ЙҰНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОХАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**4.1. Ахоли бандлуги ва реал даромадларини изчил ошириши:**

- ахолининг реал-вуз даромадларини ва ҳарид-кобилиятнинг ошириш, кам таъминланган оиласалар сонини ва ахолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини явада камайтириш;
  - бюджет муассасалари ходимларининг иш хақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафакалар ҳажмини инфляция суръатларидан юкори миқдорда босқичма-босқич ошириш;
  - янги иш ўринлари яратиш ҳамда ахолининг, энг аввало, Ўрта маҳсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;
  - меҳнатта лаёқатли ахолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ тўлиқ амалга учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини юксалтириш, ишга жойлаштиришга муҳтоҷ шахсларни касбга тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш;.

## ТҮРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

4.3. Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация



ва ижтимоий инфратузилтмани ривожлантириш ҳамда модернизация

қилиш:

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.

- аҳоли, энг аввало, ёш оиласлар, эскирган уйларда яшаб келадиган фуқаролар ва уй-жой шаронитини яхшилашга мухтоҷ бошқа фуқароларнинг яшаш шаронитини иштиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва кишлек жойларда арzon уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;
- аҳолининг коммунал-майший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармокларини қуриш
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш
- йўл инфратузилтмаси қурилиши ва реконструкция килининини жадал давом эттириш,
- театр ва томоша масканларини, маданий-мавриғий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3  
fppt.com



## ТҮРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ: ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:



259-банд:  
2017-2021  
йилларда  
Ўзбекистон  
Республикаси  
да олий  
таълим  
тизимини  
тубдан  
такомиллашт  
ирish  
Дастурини  
иштаб чиқиш



260-банд:  
Мактабгача  
таълим  
муассасалари  
нинг 106  
тасини  
реконструкци  
я килиш ва  
195 тасини  
капитал  
таъмирлаш



261-банд: 9 та  
янги мактаб  
куриш, 268 та  
мактабни  
реконструкци  
я килиш, 90 та  
мактабни  
капитал  
таъмирлаш

265-банд: 51 та  
умумтаълим  
мактаби, 12 та  
болалар ва  
ўсмирлар спорт  
мактабида  
спорт  
залларини  
куриш, 9 та  
ёник сузиш  
хавzasини  
куриш ва 2  
тасини  
реконструкция  
килиш

35  
35  
fppt.com



**ТЎРТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:  
ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини  
такомиллаштириши:**



1. • жисмонан соглом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш
2. • ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битириувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш
3. • ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оиласалар учун муносаб уй-жой ва ижтимоий-маниший шарт-шаронглар яратиш;
4. • ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-кувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш
5. • ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат хокимиятива бошқарувি органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самараали фаолиятини ташкил этиш

37

fpp.uz



**БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:  
ХАВФСИЗЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА  
ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЧУҚУР  
ҮЙЛАНГАН, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ  
РУҲДАГИ ТАШҚИ СИЁСАТ ЙОРИТИШ**

**5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатларапо тутувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:**

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вактида ва муносаб ҳаракатларни ташкил этиш;
- фуқаролик, миллатлар ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тутувликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа кобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Куролли Кучларининг жанговар курдати ва салоҳиятини ошириш;
- атроф-табиий мухит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш.



3

fpp.uz



## БЕШИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ:

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил кўшничилик мухитини шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган испоҳотлар ҳақида холис ахборот етказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини норматив-хуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- давлат чегарасини демилитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш

4  
ppt.com



## 2017 йил- Шиддатли испоҳотлар йили



ppt.com

# 2017



Харакатлар стратегиясига мувофик, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида кенг кўламли испоҳотлар амалга оширилиб, бу борада 81 та норматив-хукукий хужожатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида:



Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг роли оширилиб, унинг мамлакат ички ва ташки сиёсатига сид мухим вазифаларни ҳал этиш ва икро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди, давлат ва жамият ҳаётida сиёсий партияларнинг роли кучайтирилди



“Электрон ҳукумат” тизими такомиллаштирилди, давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати юксалтирилди;



